Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 181 (21.048) 1991 йил 15 сентябрь, якшанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

● Тошкент. Ўзбекистон Компартиясининг фавқулодда XXIII қурултойида.

Р. НУРИДДИНОВ ва Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар (ЎзТАГ).

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII қурултойи тўғрисида

А Х Б О Р О Т

14 сентябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII қурултойи бўлди.

Эрталабки мажлисда делегатлар қурултойнинг раҳбар органлари — ҳайъат, котибият, таҳририят ва мандат комиссияларини сайладилар, кун тартиби ва иш тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитетининг биринчи котиби Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов «Ижтимоий-сиёсий вазият ва республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» маъруза қилди.

Маъруза юзасидан музокараларда: Тошкент шаҳар партия комитетининг котиби Х. М. Абдуранмов, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, республика партия комитетининг биринчи котиби Д. Н. Шамшетов, «Шарқ юлдузи» журналининг бош муҳаррири У. Ҳошимов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Н. Сигедин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т. А. Алимов, халқ депутатлари Учқудуқ район Советининг раиси, район партия комитетининг биринчи котиби В. К. Голованенко, уруш ва меҳнат фахрийлари Қашқадарё вилоят кенгашининг раиси С. Усмонов, Алишер Навоий номли Самарқанд Давлат дорилфунуни ректори М. Ж. Жўрақулов, Андижон вилоятининг Комсомолобод районидаги 5-мактаб ўқитувчиси Ю. Умаров ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Съезд Баёнот ва қарор лойиҳасини тайёрловчи комиссияни сайлади. Мандат комиссиясининг шу комиссия раиси У. О. Зокиров қилган маърузасини тинглади ва тасдиқлади.

Танаффусдан сўнг музокаралар давом этди, унда Ангор районидаги «Коммунизм» жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Р. О. Еқубов, Ўзбекистон ЛҚЕИ Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров, Фарғона вилоят ижроия комитети раисининг ўринбосари А. Н. Возненко, Хива шаҳридаги 20-болалар уйининг директори В. Б. Пак, уруш ва меҳнат фахрийлари Фарғона вилоят кенгашининг раиси Б. И. Каримов, халқ депутатлари Тўрткўл район Советининг раиси, район партия комитетининг биринчи котиби Ғ. Н. Хожиев, халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Советининг раиси, вилоят партия комитетининг биринчи котиби Ҳ. Э. Бердиев сўзга чиқдилар.

Сўнгра делегатлар Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи баёноти ва қарорини қабул қилдилар. Бу ҳужжатларда Ўзбекистон Коммунистик партияси КПСС таркибидан, унинг барча ташкилий тузилмаларидан чиққанлиги ва марказий органлардан ўз вакилларини чақириб олиши таъкидланган. Юз берган вазиятда Ўзбекистон Компартияси ҳозирги ҳолида иш олиб бораолмайди ва сифат жиҳатдан янги сиёсий ташкилотни — Ўзбекистон Халқ Демократик партиясини тузишни, уни Коммунистик партиянинг ҳуқуқий вориси, деб эълон қилишни зарур деб ҳисоблайди.

Қабул қилинган баёнот ва қарорга мувофиқ янги партия таъсис қурултойини чақириш юзасидан ташкилот комитети Ҳаракат дастури, Низомини тайёрлаш ва ташкилий тузилмаларини ишлаб чиқиш комиссияси тузилди. Ташкилот комитетига жойларда муваққат комитетлар тузиб, барча ташкилий ва тушунтириш ишларини шу комитетлар орқали олиб бориш, Ҳаракат дастури ва Низом матбуотда эълон қилиниб, кенг муҳокама этилгандан сўнг партия аъзоларини қайтадан рўйхатга олиш, таъсис йиғилишларини, район, шаҳар ва вилоят конференцияларини чақириш масалаларини ҳал қилиш топширилди.

Қабул қилинган ҳужжатларда янги партия таъсис қурултойида ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилиб, ҳуқуқий ворисликка доир барча масалалар ҳал этилгунига қадар ҳозир ишлаб турган барча партия тузилмалари сақланиб қолиши лозимлиги таъкидланади.

Қурултойда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов якунловчи нутқ сўзлади.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг фавқулодда XXIII қурултойи шу билан ўз ишини тугаллади.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов маърузаси

Дўстлар, биродарлар!

Аввалambor сизни, сиз орқали бутун республика аҳолисини, барча халқимизни буюк тарихий воқеа билан—Ўзбекистон мустақиллиги билан чин қалбимдан қутлайман ва мустақиллик йўлида ҳаммангизга, бутун халқимизга куч-қувват, омад тилайман.

Делегат ўртоқлар!

19—21 августдаги барбод бўлган давлат тўнтариши, шундан кейин рўй берган воқеалар, СССР Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси ва мамлакат халқ депутатлари съезди ижтимоий-сиёсий вазиятнинг тубдан ўзгаришига олиб келди.

Бир ҳовуч муттаҳамлар уюштирган тўнтариш бошиданоқ мағлубиятга маҳкум эди. Чунки унинг мақсадлари ва вазифалари, аввало барча халқларнинг турмушни янгилашга, интилишларига, жумҳуриятларнинг мустақиллик ва эркинликка, ўз диёрларида барча ҳаётий масалаларни ўзлари ҳал этиш йўлидаги, ўзларига ва ўз фарзандларига муносиб турмушни таъминлаш йўлидаги қонуний ва табиий истакларига тамомила зид эди.

Тўнтариш ташкилотчилари жамиятимизни қайта қуриш ва янгилаш жараёнини тўхтатиб қўйишга ҳаракат қилди.

Миллионларча кишилар тақдири қандай бўлишини ўйламадилар. Улар ҳозир халқимиз қандай мамлакатда яшаётганликларини, одамларда ўз қадр-қимматини, фуқаролик ва миллий онгини англаш туйғуси демократия, эркинлик ва мустақилликка интилиш туйғуси қанчалик жўш урганлигини тасаввур қилаолмадилар ва тасаввур қилишни истамадилар.

Аввал бошданоқ, бузилган ва оқибат натижада марказлаштирилган, казарма социализмига айланган эски маъмурий-буйруқбозликка асосланувчи партия — давлат тузуми, моддий турмушнинг ҳам, маънавий турмушнинг ҳам ривожланиши йўлида тўғаноқ бўлиб қолди. Ўз умрини яшаб бўлди ва эндиликда унга қайтадан йўл бўлиши мумкин эмас. Бугунги ҳақиқат ана шундай ва бундан ҳеч ким қочиб қутула олмайди.

Ҳа, тўнтаришни ният қилган ва уюштирган кишилар, мамлакатдаги бошбошдоқлик ва парокандалик чўққисига чиққан бир пайтдан фойдаланиб қолмоқчи бўлишди.

Чунки бугун сиёсий, иқтисодий ва хўжалик ҳаёти аслида бошқарилмай марказий ҳокимиятнинг обрўсига жуда жиддий путур етказилаётганини, турмушнинг барча соҳаларидаги салбий аҳволдан, халқнинг норозилиги кун сайин ортиб, турмуш даражаси ниҳоятда ёмонлашиб, нархнаво ошиб, пул қадрсиз бўлаётганини ҳаммамиз сезаяпмиз. Ишлаб топилган пулга ҳеч нарса сотиб олиш имконияти қолмаяпти. Интизом ва тартиб барбод бўлиб, жиноятчилик ортиб бораётган, очарчилик ва қаҳратон қиш хавфи яқинлашиб келаётган пайтни улар ҳисобга олганлар.

Аммо қайта қуриш йилларида кўзи очилган халқни энди эски тузум доирасига «ҳайдаб» киритишга, унга эскича буйруқбозлик қилишга уриниш беҳудадир. Тарих ғилдиракларини орқага буриш йўлидаги ҳар қандай уринишлар барбод бўлиши аниқ.

Бутун мамлакат учун фожиали бўлган ўша кунларда жумҳуриятларнинг раҳбарияти, партия, совет ташкилотлари, корхона ва хўжаликларнинг раҳбарлари, халқ сайлаган депутатлар, барча софдил кишилар халқимизни матонат ва осойишталик кўрсатишга чақирдилар. Улар барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни сақлаш, жумҳуриятларда фавқулодда аҳвол жорий этилишига йўл қўймаслик, Конституцияга қарши давлат тўнтаришини қўллаб-қувватлаш йўлидаги ниятларга чақириқларга учмаслик учун ўзларининг бутун обрў ва таъсирларидан фойдаланишга ўриндилар.

Фаоллар билан учрашувларда, биз жумҳуриятнинг давлат мустақиллиги тўғрисидаги Декларация қоидаларига, Конституцион тузум қоидаларига қатъий риоя қилиш хусусида бирлашиб ишлаб чиқилган мавқеимизни изчиллик ва қатъият билан ҳимоя қилдик. Биз халққа марказдан ҳар қандай кўрсатмалар берилишига, даъватлар қилинишига, ҳар қандай ваъдалар берилишига, ҳар қандай чақириқларга қарамай ҳар қандай вазиятда ҳам, ўз

(Давоми иккинчи бетда).

ҚУРУЛТОЙНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

ПРЕЗИДИУМ

Абдураҳмонов Ж.
Абдураҳмонов П. М.
Абдувосиқов А.
Айдарқулов А. А.
Аллямуродов Б. А.
Бобожонов О. А.
Бердиев Ҳ. Э.
Букурова У. С.
Ефимов А. С.
Ёдгоров Д. С.
Икромов А. И.
Исамуҳамедов Ҳ. О.
Йўлдошев Ш. М.
Каримов Б. И.
Каримов И. А.
Каримова М. Ҳ.
Каримова Т. Р.
Мамарасулов С.
Маматова Р.
Маршалов Е. А.
Маткаримова П. О.
Мирсандов Ш. Р.
Носиров А. Н.
Паряева Г. С.
Сайдалиев С. Д.
Сандов М.
Санақулов З.
Сигедин В. Н.
Солиҳбоев С. Ш.
Турсунов Э. Т.
Усмонов С.
Фозилбеков А. И.
Фозилов Ғ.
Ҳидиров Т. П.
Худойберганова О.
Худойберганова Р. М.
Шамшетов Д. Н.
Юсупов К.
Юсупов Э. Ҳ.
Ғаниҳонов А. Ф.
Қирғизбоева Т. Б.
Ҳакимов Б. Ж.
Ҳолмирзаев Қ. Ҳ.
Ҳошимов У.

КОТИБИЯТ

Алесич И. П.
Коновалова В. Я.
Набиев Қ.
Сандов Қ.
Тоиров Қ.
Шарипов З.
Юсупов М.
Қўзибоева М. М.

ТАҲРИР КОМИССИЯСИ

Аъзамхўжаев А. А.
Еқубов Г.
Йўлдошев Т.
Маҳмудова Ш. Н.
Мўлдабекова Ж.
Сафаров Р. А.
Соболев Г. И.
Қурбонов Қ.
Ҳайитбоев Э. Қ.
Ҳасанов Э. М.
Ҳўжаназаров У.

МАНДАТ КОМИССИЯСИ

Авезнибетова О. С.
Отамуродов Р.
Аҳмадалиев А.
Грабилин В. Г.
Жўлдибоева Б.
Ефимов Н. В.
Зокиров У. О.
Иногомов Э. Р.
Кабиров Л. Б.
Камолов Б. С.
Керимзатов Т. Ж.
Мирзиёев Ш. М.
Норматов Ж.
Низомитдинов Ҳ. З.
Облоқулов С. А.
Пармонов О. Д.
Рўзиев Э. М.
Холмирзаев Қ. Ҳ.
Холов М. Ҳ.
Ҳўжақулов У.
Эргашев А.
Эргашев Ё. М.
Эшбобоева З.
Ғойибоев Ҳ.
Қозоқов Э. Н.

Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

қадр-қимматимиз ва виждонимизни йўқотмайлик, ўз сиёсий йўлимизга ҳиёнат қилмайлик, деб такрор-такрор таъкидладик.

Биз аҳоли аксариятининг талаблари ва орзуларига мос келадиган, қарорларни мустақил равишда қабул қилдик. Барқарорлик, тартиб, фуқаролар аҳиллиги ва миллий тотувликни қўллаб-қувватлашга куч бердик. Бу эса ҳозирги мураккаб вазиятда ғоят муҳимдир.

Биз тинч даврда турли ижтимоий ва сиёсий гуруҳлар ўртасидаги келишмовчиликларни, ҳал этишда кучдан ва аввало ҳарбий кучдан фойдаланишга қатъиян қарши чиқдик. Фавқулодда ҳолат комитети деб аталган маҳкаманинг Конституцияга қарши ва ғайриқонуний фармонлари, қарорлари ва кўрсатмалари Президент фармони билан Ўзбекистон ҳудудида ҳақиқий эмас деб эълон қилинди.

Биз ҳалол ва ошкора мавқеда турдик. Биз халқдан ҳеч нарсани сир тутмадик. Биз қонунга хилоф сиёсий иғвогарликка учмасдан, жумҳуриятда осойишталикни ва меҳнат маромини сақлаб қолиш йўлида сабр-бардош қилганлиги учун халқимиздан астойдил миннатдормиз.

Ўша хавотирли ва ташвишли кунларда коммунистлар, партия ташкилотлари ўз шарафлари ва қадр-қимматларини сақлаб қолдилар.

Бинобарин, бугун ҳиҳолат тортадиган жойимиз йўқ. Улар барча софдил кишилар мададига таяниб, халқ турмушини яхшилашнинг долзарб муаммоларини, кўчалардаги танклар билан ҳам, майдонлардаги дабдабали чақириқлар билан ҳам ҳал этиб бўлмаслигини чуқур англаб етдилар.

Жумҳурият коммунистлари халқ билан бирга бўлдилар ва эндиликда улар олдида ёруғ юз билан намоён бўлмоқдалар.

Иттифоқ барча халқларининг тақдири, ҳал этилаётган ўша ташвишли кунлардаги воқеаларга баҳо берар эканмиз, биз Россияга, Б. Н. Ельцин бошчилигидаги Россия Федерациясининг парламентига, раҳбариятига, москвликлар ва ленинградликларга ўша мураккаб синов кунларида фитначиларга муносиб зарба бериш учун халқлар ва жумҳуриятлар эркинлиги ва мустақиллиги йўлини ҳимоя қилиб қолган, мамлакатда фуқаролар уруши бошланиб кетишига йўл қўймаган барча кишиларга самимий миннатдорчилик ва ташаккур билдирамиз.

Биз ҳамиша амал қилиб келган қатъий мавқеимизни қўллаб-қувватлаган барча кишилардан миннатдормиз. Биз бу мададни ғоят қадрлаймиз. Бу мадад бизларга ишонч бағишлайди, ҳамда халқимиз маъқуллаган мустақил сиёсий ва иқтисодий йўлни, Ўзбекистонда яшаётган барча кишиларнинг фаровонлиги ва тинч ҳаётини таъминлаш йўлини изчиллик билан амалга ошириш учун мустаҳкам замин яратади.

Азиз дўстлар!

Фитнанинг барбод бўлганига қарамай, барча соғлом кучлар ғалаба қозонган бўлишига қарамай биз ҳозир ғоят мушкул даврда, айтишим мумкинки, ҳар қандай фалокатлар рўй бериши мумкин бўлган беқарор даврда яшаяпмиз.

Рўй бераётган воқеалардан халқ орасида норозилик кучайиб бормоқда.

Одамлар фақат бир нарсани: осойишта ҳаёт тикланишини ўз хавфсизликларига ва яқин одамларининг хавфсизлигига амин бўлишни, улар оч қолмасликларига, қаҳратон қишда беҳаловат бўлмасликларига амин бўлишни истайдилар.

Дабдабали шиорлар ва кўпдан кўп ваъдалар, сиёсий эҳтиросларнинг, янгидан вужудга келаётган партиялар, оқимлар ва ҳаракатларнинг ўзаро курашлари халқнинг жонига тегиб кетди.

Бу партиялар, оқимлар ва ҳаракатлар фақат бир нарсани, ҳокимият тепасига чиқиб олиб ўз манфаатларига эришмоқчилар.

Лўнда қилиб айтганда, халққа тинчлик ва осойишталик, эртанги кунга ишонч керак. Зотан, шу кунларда жумҳуриятнинг раҳбарияти, партиямиз қилаётган барча ишлар, Иттифоқ таркибида мустақил ва тенг ҳуқуқли давлатлар шартномасини тўнтаришдан олдин, мумкин қадар тезроқ имзолашга интилишимиз, айни шу нарсага қаратилган эди.

Аммо кун сайин, шунга ишонч ҳосил қилмоқдамизки, гамомила ноилож қолган марказ бошқарув қобилиятини йўқотиб бормоқда ва вазиятни бошқаролмай қолди. Ҳар бир минтақа, ҳар бир жумҳурият ўз ҳолига ташлаб қўйилди ва бошига ёққан қорни, ўзи курасин деган қоидага амал қилаётир. Ўз табиатига кўра жумҳуриятлар устидан ҳокимиятнинг қўлдан чиқаришни истамаётган марказий маъмурлар ҳали ҳам фаол ишламоқдалар ва куч тўплашни давом эттирмоқдалар.

Иттифоқ Шартномаси устида узоққа чўзилган машақкатли иш олиб бориш давомида биз шу нарсага бир неча бор ишонч ҳосил қилдик. Иттифоқ тузилмалари тенг ҳуқуқли ва мустақил жумҳуриятларнинг ўз ҳудудларида мустақил бўлишларига ҳеч қачон рози бўлмаганлар ва рози бўлмайдилар.

Ҳозир ҳам катта табиий, одам ва иқтисодий ресурслари бўлгани ҳолда марказнинг иродаси билан хомашё минтақасига айлантирилиб, бошқалардан анча орқада қолган, аҳолисининг кўпчилиги қашшоқлик даражасидан паст даражада яшаётган, аҳволи кун сайин ёмонлашиб бораётган жумҳуриятларнинг ўзига хос хусусияти ва бошланғич маррадаги аҳволи ҳисобга олинмаётир.

Бу аввало Ўрта Осиё жумҳуриятларига, шу жумладан Ўзбекистонга ҳам тааллуқлидир.

Афсуски, кейинги пайтларда зўравонликка ҳамма имкониятлар бериб қўйиладиган, муаммоларни ўзаро ҳурмат ва тенг ҳуқуқлилик асосида муҳокама қилиш ўрнига, бошқаларнинг манфаатлари писанд қилинмайдиган, буйруқбозлик, дағдаға билан иш кўриладиган қоида яна авж олиб, қўллаб қувватланмоқда. Мамлакатда қарама-қаршилик кучаймоқда, ўзаро гумон ва ишончсизлик ортиб бормоқда, бу эса аҳволни янада ёмонлаштирмоқда. Бундай содир бўлган вазиятда жумҳуриятимизнинг йўли қандай бўлиш керак.

Биз аминмизки, ҳар бир миллий жумҳуриятнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ва мустақиллигини таъминлаган ҳолатдагина аҳволни тузатиб олиш мумкин.

Бунинг учун ҳақиқий мустақиллик йўлидаги барча тўсиқлар олиб ташланиши, ҳар бир жумҳурият сўзда эмас, балки амалда тенглар орасида тенг бўлиши лозим.

Келишувлар ва ёнберишлар, бир бирига ишонч асосида ўз муаммоларини масъулият билан ҳал эта олиши, мамлакат ичкарисида ҳам, чет давлатларда ҳам барча шериклари билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатиши лозим.

Бу нарса жумҳуриятлар ўртасида умумий жамоа манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан ҳарбий хавфсизликни таъминлаш мақсадида мустақил давлатлар сифатида қабул қилинган умумий мажбуриятларни истисно қилмайди, албатта.

Айни шу мақсадларни кўзлаб, жумҳурият Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси 1991 йил 31 августда янги мустақил демократик давлат — Ўзбекистон Жумҳурияти тўғилганини эълон қилди.

Бизнинг парламентимиз «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Қонун қабул қилиб, халқнинг ўз диёрида ўз табиий бойликлари ва ресурсларининг мустақил ва тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиш ҳақидаги асрий орзуси ва иродасини рўёбга чиқарди.

Бундан буён халқимиз ҳозирги ва келгуси авлодлар тақдирини бировларнинг буйруғи ёки кўрсатмаси билан ҳал қилмайдиган бўлади.

Бу мақсадга эришиш йўли узоқ ва мушкул бўлиб, бу йўлда кўпгина фожиали воқеалар бўлди ва қурбонлар берилди.

Ноёб бойликларга ва имкониятларга, истеъдодли ва меҳнатсевар халққа, ажойиб анъаналарга ва маданиятга эга бўлган, буюк мутафаккирлар ва улуғ зотларни вояга етказган бизнинг диёримиз доимо камситилиб келган хомашё қўшимчасига айлантириб қўйилган эди.

Ўзбекистонни аввалига мустамлака, сўнгра эса иттифоқдош республика деб аталишидан қатъий назар, унинг зиммасига хомашё етиштириш ва етказиб бериш вазифаси қўйилган эди. Бу вазифани нима қилиб бўлсада ҳар қандай шароитда, тузумда бажариш зарур эди.

1985 йил апрель ойида умид учқунлари вужудга келди. Биз М. С. Горбачев ташаббуси билан бошланган қайта қуриш ва ўзгаришлар жамият турмушини турли соҳалардаги аҳволни тубдан ўзгартиради, энг муҳими, ССР Иттифоқида ва жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг роли ва ўрнини ўзгартиради деб ўйлаган ва умид қилган эдик.

Афсуски, бизнинг умидларимиз рўёбга чиқмади.

Зўравонликка ва фақат зўравонликка таяниб иш кўрувчи буйруқбозлик-маъмурий тузуми барча янгиликларга, халқнинг бутун орзу-умидларига жон-жаҳди билан қаршилик кўрсата бошлади. Яна ўша марказнинг ва шахсан КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг собиқ аъзолари ва собиқ секретари Е. К. Лигачев буйруғи билан ўтказилган жумҳурият Компартияси Марказий Комитетининг, ҳаммамизнинг ёдимизда қолган ва ҳаммамиз учун қора кун бўлган XVI Пленумидан бошлаб Ўзбекистон янги большевизм турли тажрибалар ўтказадиган, даҳшатли майдонга айланиб қолди.

Ҳеч ким киролмайдиган кабинетларда (хоналарда) маҳкам ўрнашиб олган ҳамда чексиз ҳокимиятни бундан буён ҳам сақлаб қолишни ва халқлар тақдирини ўзларича ҳал эта беришни истаган сиёсий доираларнинг қаршилиги нима эканлигини барча жумҳуриятлар орасида биринчи бўлиб биз тотиб кўрдик.

Компартия собиқ раҳбарларининг лаганбардорларча таклифига биноан Ўзбекистонга мамлакатнинг турли минтақаларидан КПСС амалдорлари кела бошлашди.

Халқимиз «чекланган десант» деб ном берган бу амалпарастлар партия ва ҳокимият тизимларида асосий ўринларни эгаллаб олиб, ҳақиқий қирғин бошладилар. Неча ўн ва юз минглаб кишилар тазйиқ, қувғин ва қатағонга дучор қилиндилар. Бу қатағонлар даҳшати ва риёкорлиги жиҳатидан 30—50-йиллардаги тазйиқлардан ҳам ошиб кетди.

Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан тамомила халққа қарши сиёсатини амалга оширишда, ҳатто рус тилида сўзлашувчи маҳаллий кадрларни тазйиқ остига олишда Анишчев, Огарок, Романовнинг, Сатин ва шуларга ўхшаш кишилар асосий қурол бўлишди.

Мана шу ва шуларга ўхшаган муттаҳамларнинг гапига кириб, хизматини қилиб, халқини сотиб, ғайриинсоний ишларга бош бўлиб юрган Ўзбекистон Компартиясининг собиқ биринчи котиблари ҳам албатта жавоб беришлари керак.

Уларнинг беқарор мавқеи нима бўлсада, ҳокимият тепасида қолиш истаклари жумҳуриятда аҳволни мушкуллашувига шарт-шароит яратди.

Ўзбекистонни ва унинг халқини маънавий жиҳатдан гамомила синдириш мақсадида Фарғона водийсидаги шу жумладан Қўқон шаҳридаги фожиали воқеалардан сўнг кўлами ва оқибатлари жиҳатидан янада шиддатлироқ тарзда жумҳуриятни обрўсизлантириш бошланди.

Одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган 1989 йил ёз ойларидаги ва 1990 йил баҳоридаги воқеалар, менимча, Ўзбекистон Компартияси, унинг янги раҳбарияти учун бурилиш нуқтаси ва ҳал қилувчи даври бўлди. Айни шу даврларда марказдан ҳамда унинг партия ва ҳокимият тизимларидан мустақил сиёсатимиз яққол намоён бўла бошлади.

Биз инсонни ўзимизнинг бутун сиёсатимиз ва амалий фаолиятимиз марказига қўйдик.

Инсон учун муносиб турмуш шароитини яратиш, халқ манфаатларига, жумҳурият манфаатларига хизмат қилиш — сиёсатимиз ва амалий фаолиятимизнинг мағзига айланди.

Биз Ўзбекистон давлат миллий сиёсатининг аслида барча йўналишларини ва стратегиясини қамраб олувчи кенг кўламдаги ва истиқболга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқдик ва амалга ошира бошладик.

Бу сиёсатнинг устивор соҳалари қуйидагилардан иборат:

— сиёсий ҳокимият демократик ташкилотига, бошқаришнинг жумҳурият шаклига, умумиинсоний қадриятларга асосланувчи реал мустақил миллий давлатчиликни қарор топтириш;

— ижтимоий йўналишда бўлган ва мулкчиликнинг хилма-хил шаклларига таянадиган самарали бозор иқтисодиётини вужудга келтириш;

— жумҳурият ҳудудида яшовчи фуқароларнинг миллаги, дини, эътиқоди ва ижтимоий аҳволидан қатъий назар, фаровонликнинг юксак даражасига, фуқароларнинг ҳар гомонлама ижтимоий, ҳуқуқий ва иқтисодий ҳимояланишига эришиш.

Икки йил ичида ана шу дастурнинг кўпгина қоидаларини амалга оширишга эришилди.

1. Ҳокимият органлари қайта ташкил этилиши, Президент лавозимининг таъсис этилиши, жумҳурият парламенти, Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг янги мазмун билан бойитилиши, бошқариш ва хўжаликни юритишнинг барча бўғинларида барқарорлик, интизом ва тартибни сақлаш имконини бердики, бу нарса, бизнинг фикримизча ҳар қандай ислоҳот ва ўзгаришларни амалга оширишнинг энг муҳим омилларидан биридир.

2. Мамлакат ва жумҳурият ижтимоий-иқтисодий ҳаёти ҳар қанча мураккаб бўлишига қарамай, биз аҳоли турли қатламларининг ижтимоий ҳимояси тизимини ишлаб чиқдик ва уни аниқ мазмун билан бойитмоқдамиз.

Аҳолига ер ажратиб берилганлигини (икки йил ичида қўшимча равишда 320 минг гектардан ортиқ ер берилди), пенсионерларга, оналарга, ҳомиладор аёлларга, болаларга, муаллимларга ва ўқувчиларга кўрсатилаётган ёрдам шулар жумласидандир.

Халқимизни маънавий ва руҳий жиҳатдан эркинликка чиқариш, одамларнинг анъаналари ва урф-одатларини, ноҳақ унутиб юборилган ҳамда ўз халқининг мустақиллиги ва озодлиги учун жон фидо қилган аждодларимиз номининг қайта тикланиши йўлида қатъий қадамлар қўйилди.

Жумҳуриятнинг етакчи сиёсий кучи — унинг Компартияси куч-ғайрат билан иш олиб борди. Буларнинг ҳаммаси миллий ва фуқароларо тотувликни, турли миллатларга ва диний эътиқодларга мансуб одамларнинг ҳамжиҳатлиги ва ҳамкорлигини сақлаб қолиш, халқнинг маънавий тикланиши муаммолар билан астойдил шуғулланиш имконини берди.

3. Саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ривожланишининг илгариги йилларда эришилган даражаси асосан сақлаб қолинди. Сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар учун ҳар томонлама давлат-ҳуқуқий замин яратилди. Жумладан, бизнинг парламентимиз Ўзбекистоннинг қисқа муддат ичида жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилиш ниятини ҳисобга олган ҳолда ички ва ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи бир қатор муҳим қонунлар қабул қилди. Ҳукумат ишбилармонликнинг иқтисодий эркинлигини шунингдек бизнинг ўлкамизда қўшма корхоналар тузмоқчи бўлган, сармоя сарфлаш ва воситачилик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган кишилар учун кенг кўламдаги имтиёзларни кўзда тутувчи норматив актлар туркумини тасдиқлади.

Бизда аввало хизмат кўрсатиш соҳасида, қишлоқ хўжалиги, саноат, тайёрлов ва таъминот ташкилотларида, мулкчиликнинг барча формалари тан олинди ва ривожлантирилди.

Ўзбекистонда хусусий ва акционерлик мулкига нисбатан ҳеч қандай нотўғри ёндашувлар йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

4. Қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимият халқаро ҳуқуқ қоидалари ва практикасига мувофиқ, инсон ҳуқуқларини ҳақиқатдан ҳам амалга ошириш учун, асос яратувчи тадбирлар туркумини кўрди. Ижтимоий ташкилотлар ва бирлашмалар тўғрисида, Виждон ва диний ташкилотлар эркинлиги тўғрисида, Оммавий ахборот воситалари тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ишлаб чиқилди ва кучга кирди.

Одамларни ижтимоий ҳимоялашнинг ишончли далиллари нафақа таъминоти, солиқлар тўғрисидаги, аҳолийнинг муайян тоифаларига имтиёзлар бериш тўғрисидаги, жумҳурият қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларида ўз аксини топди.

Замонавий Ўзбекистонга хос бўлган энг муҳим ютуқ — мафкуравий ақидалар ва бир андозадаги фикрлардан воз кечиш, барча жумҳуриятлар билан, чет эл мамлакатлари билан ўзаро манфаатли шартлар асосида ҳамкорлик қилиш ва дўстлик ўрнатишга шай бўлиб турганлигимиздир.

40 дан ортиқ чет эл мамлакатларининг вакиллари иштирокида яқинда Тошкентда ўтказилган амалий учрашув, шунингдек ниҳоятда самарали ўтган ҳамда Ўзбекистон халқаро майдонда мустақил суверен давлат сифатида амал қилиши лозимлигини намойиш этган Ҳиндистонга қилган дастлабки ҳорижий сафаримиз ҳам бунинг далилидир.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашувлари тобора самарали бўлмоқда. Ҳозир биз Ўрта Осиё халқлари ва Қозоғистон халқининг умумий фаровонлиги йўлида ана шу жумҳуриятлар фаолиятини мувофиқлаштириб турувчи доимий органлар тузиш йўлидан бораяпмиз. Биз Қирғизистон ва Туркманистон билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартномаларни имзоладик ва ратификация қилдик.

Дўстлар! Ўртоқлар!

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон тарихида ва тақдирида янги саҳифа очилди. Жумҳуриятда яшовчи 100 дан ортиқ миллат ва элатларнинг намоёндалари дастлабки мустақиллик кунини байрам қилишди.

Мустақиллик биз учун қандай аҳамиятга эга?

Бундан буён ўз тақдири қандай бўлишини Ўзбекистоннинг ўзи белгилайди. Мавжуд иқтисодий бойликлардан аҳолининг бахт-саодати ва манфаатлари йўлида фойдаланадиган бўлади. Ички ва ташқи сиёсатни мустақил равишда белгилаб амалга оширади, халқаро ташкилотларга ўз вакилларини юборади.

Ўзбекистоннинг мустақиллиги эълон қилинганлиги ва ҳақиқатда мана шундай мустақилликка эришганлиги шуни билдирадики, суверен халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир эгаси бўлиб қолади.

Жумҳурият тўла ҳокимиятга эга бўлиб, ўзининг миллий-давлат тузилишини мустақил равишда белгилайди. Ер эгаси, табиий бойликлар ва заҳираларнинг хўжайини бўлиб қолади. Ўзининг олтин запасини вужудга келтиради ва унга ўзи эгалик қилади. ССРнинг олмос ва валюта жамғармаларида ўз улушига эга бўлади.

Иттифоқ **қарамоғидаги корхоналар** жумҳурият ихтиёрига ўтади. Ўзбекистон ўзининг миллий валютасини жорий қилиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади, мустақил молия ва кредит сиёсатини амалга оширади.

Жуда яқин вақт ичида биз бевосита халқаро майдонга чиқишни, чет эллар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда тўғридан-тўғри дипломатик, иқтисодий-маданий муносабатлар ва бошқа турдаги муносабатларни ўрнатишни умид қиламиз.

Жумҳурият Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» Қонун қабул этиб, Мудофаа ишлари вазирлигини тузиш, миллий гвардияни ва ноҳарбий хизмат ташкил этиш ҳуқуқини эълон қилди. Президентнинг тегишли фармони билан ҳозирнинг ўзидаёқ шундай вазирлик тузилди.

Ўзбекистон ҳудудидаги СССР Қуролли Кучларини шакллантириш ва уларга раҳбарлик қилиш масалаларида ҳарбий сиёсатни амалга ошириш вазифаси жумҳурият қарамоғига ўтказилади.

Шуларнинг ҳаммасидан кўринib турибдики, жумҳуриятнинг давлат-ҳуқуқий мақомида, унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушида жўшқин ва туб ўзгаришлар рўй бермоқда.

Азиз ўртоқлар!

Мен сизларга қуйидагиларни алоҳида айтиб ўтмоқчиман. Ўзбекистоннинг мустақиллиги — ўзбек ва қорақалпоқ халқининггина орзуси ва ҳоҳиш-иродаси бўлиб қолмай, балки жумҳуриятда яшовчи барча халқлар ҳам шу кунни орзу қилган эдилар.

Ўз тақдирини ва ўз фарзандларининг истиқболини Ўзбекистон билан чамбарчас боғлаган юздан ортиқ миллат ва элатнинг вакиллари Ўзбекистон Жумҳуриятининг тўла ҳуқуқли фуқароларидир. Уларга Ўзбекистон Конституциясида ва қонунларида, халқаро ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган ҳамма ҳуқуқлар ва эркинликларга кафолатланади ва таъминлаб берилади.

Ўзбек халқи азалдан дўстликни қадрлаб, ардоқлаб келган, тинчлик ва тотувликда яшашни хоҳлаган, ҳамма халқларга ҳурмат билан қараб келган.

Бинобарин, халқ ҳеч қачон ўз иродаси билан миллатлараро адоват, душманлик, бошқа халқлар билан тортишув ва қарама-қаршилик йўлини танламайди.

Ҳокимият ва бошқарув идоралари қонунга мувофиқ, ирқчилик ва шовинизмнинг, миллатчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, миллатига ва динига қараб одамларни камситиш йўлидаги ҳар қандай уринишларга қарши кескин чора кўрадилар.

Ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилар экан, Ўзбекистон Жумҳурияти суверен давлатлар Иттифоқида, тенг халқларнинг тенг Иттифоқида қолишини хоҳлардик.

Биз барча иттифоқдош жумҳуриятлар билан кўзга кўринмайдиган минг-минглаб алоқалар орқали, сиёсий, ҳарбий ва иқтисодий манфаатлар орқали боғланганмиз. Аммо биз бошқа жумҳуриятлар каби Ўзбекистоннинг ҳам марказнинг ёки бошқа, ҳар қандай буйруқбоз-маъмуриятчи тузилмаларнинг хом ашё манбаи ҳолатида қолишига, ўтмишда одат тусига кириб қолган мана шундай ҳолатга қатъиян қаршимиз.

Жуда катта моддий-иқтисодий салоҳиятга эга бўлган, серғайрат ва меҳнаткаш халқ яшаб турган жумҳурият ночор аҳволда яшашига, ўз халқининг муаммоларини мустақил ҳал этиш, унинг равнақ топиши учун имконият олмаслигига бутунлай қаршимиз.

Жумҳуриятнинг ички ишларига ташқаридан аралашишга қатъиян қаршимиз. Ҳар қандай шиорлар остида ўнг ва сўл сафсатабозлигига тоқат қила олмаймиз.

Ўзбекистоннинг мана шу нуқтаи назари мамлакат халқ депутатларининг навбатдан ташқари бешинчи съездида, СССР Президенти билан ўнта жумҳурият олий раҳбарларининг қўшма баёнотида яна бир бор таъкидланди. Бу баёнотда мамлакатнинг янги Конституцияси қабул қилингунча, бўлган ўтиш даврида аҳволни барқарорлаштирадиган бир қанча чора-тадбирлар белгиланди.

Биз суверен давлатларнинг Иттифоқи тўғрисидаги шартномани имзолаш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз, аммо Иттифоқда қай шаклда қатнашишни мустақил равишда белгилаймиз, жумҳуриятлар ўртасида иқтисодий Иттифоқ тузишни, барча иттифоқдош жумҳуриятлардан баб-баравар вакиллик нормаси асосида халқ депутатлари вакилларининг кенгаши тузишни ҳамда СССР Президенти билан жумҳуриятларнинг олий мансабдор шахсларидан иборат, Давлат Кенгаши ташкил этишни маъқуллаймиз.

Барча республикаларнинг баб-баравар вакиллиги шарти билан тузиладиган жумҳуриятлараро иқтисодий қўмита халқ хўжалигини бошқаришни мувофиқлаштириб турадиган ва иқтисодий ислоҳотларни ўтказадиган жуда муҳим восита бўлиб қолиши керак.

Ўртоқлар!

Янги тарихий шароитда, тез ўзгариб бораётган сиёсий вазиятда Компартия ўз йўлини танлаб олиши, ўз тақдирини, янги Ўзбекистон турмушидаги ўз аҳамияти ва ўрнини белгилайдиган қарорлар қабул қилиши керак. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди, ҳозиргидек кескин бўлиб турган кунларда: 1989 йилда шундай қадам қўйилган эди.

Бизнинг партиямиз мустақил партия сифатида рўйхатдан ўтказилди, ўзининг мустақил сиёсатини амалга оширмоқда, ўзининг Ҳаракат дастурини ишлаб чиқди ва рўёбга чиқармоқда, ўз Уставига амал қилмоқда.

Компартия ўз Марказий Қўмитасининг Бюроси билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг баёноти орқали, бир ҳовуч авантюрачиларнинг давлат тўнтаришига ўз муносабатини аниқ-равшан ифодалаб берди. Тўнтаришни қўллаб-қувватлаган КПСС Марказий Комитети раҳбариятидаги консерваторларнинг қўрқоқлигига, жиноят-корона ва тутуруқсиз хатти-ҳаракатларига принципиал баҳо берди.

КПСС Марказий Комитети собиқ раҳбарларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари учун бутун мамлакатдаги кўпгина коммунистлар каби Ўзбекистон коммунистлари ҳам жавобгар бўла олмасликлари шубҳасиздир. Шунингдек Пленум КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибининг ўз ваколатларини соқит қилиш ҳақида, шошма-шошарлик билан берган баёнотига, унинг партияни тарқатиб юбориш ва унинг мол-мулкини топшириш тўғрисидаги чақириқларига ҳам ўз муносабатини билдирди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми КПСС Марказий Қўмитаси билан ҳар қандай алоқа тўхтатилишини ва КПССнинг барча тузилмаларидан чиқишни, унинг марказий органларидаги вакилларини чақириб олишни билдирди.

Пленум шуни якдиллик билан айтдики, Ўзбекистон Компартияси партия аъзоларининг тақдири учун, республика ва унинг халқлари келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган мутлақо мустақил сиёсий ташкилот бўлиб қолиши лозим.

Партиянинг тақдирини, унинг ҳозирги шароитдаги стратегияси ва тактикасини, унинг қундалик ва истиқбол сиёсатини ушбу фавқулодда съездимиз белгилаб бериши керак.

Очиғини айтганда, биз қийин ва фожиали бир пайтда ўз йўлимизни танлаб олишимиз керак. Биз замоннинг ва халқнинг талабларига мос бўлиб тушадиган бирдан-бир тўғри қарорларни қабул қилишимиз лозим.

Партиянинг тақдири шу қарорларга боғлиқ бўлади: партия ўз мавқеини сақлаб қоладими ёки қола олмайдими, ўз обрў-эътиборига ва таъсирига эга бўладими ёки ундан маҳрум бўлиб қоладими, ё бўлмаса сафсаталар ва мафкуравий сийқа ақидалар ботқоғига ботиб жамият сиёсий турмуши четга улоқтириб ташланадими деган саволларга мана шу қарорлар жавоб бериши керак.

Биз саволларнинг бутун бир мажмуига жавоблар қидиришимиз ва топишимиз лозим бўлиб турибди. Аввало партия фаолиятининг шакли ва йўналишини, унинг ҳозирги шароитдаги дастурий мақсадлари ва вазифаларини белгилаб олиш керак.

Партия ташкилий тузилишининг режалари, унинг ташкилотчилик ва сиёсий иши қонун-қоидалари, шакллари ва усуллари оддий одамларга равшан бўлиши лозим.

Мустақил ҳуқуқий халқчил давлат барпо этилаётган ва шу асосда жамиятда бошқа сиёсий партиялар ҳам бўладиган шароитда ўз партиямизнинг ваколатлари ва вазифалари соҳасини аниқлаб олишимиз керак. Ниҳоят биз партияни қай тарзда, қандай қилиб ва қанча муддатларда ислоҳ қилишимизни аниқлашимиз керак.

Очиғини айтадиган бўлсак ҳозир ишлаб турган партиядан мутлақо фарқ қиладиган янги партия тузиш ҳақида ўйлашимиз лозим бўлиб қолди.

Сизларга маълумки, Марказий Қўмита билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма Пленуми бўлажак партиянинг учта муқобил нусхасини ҳар томонлама муҳокама қилиб битта нусхага тўхтади яъни партияни тубдан ва энг муҳими қисқа муддатларда ислоҳ қилиш, унинг мазмуни, тактикаси ва стратегиясини бутунлай ўзгартириш керак, деган қарорга келди.

Мана шу қийин ва масъулиятли қадам қўйишни ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда. Партиянинг юз минглаб аъзоси шундай бўлишини кутмоқда.

Бугун бу ерда, мана шу залда фавқулодда съездга йиғилишимизнинг боиси ҳам мана шу.

КПССдаги инқирознинг манбаълари ва сабоқлари. Ўзбекистон Компартиясини ислоҳ қилиб, сифат жиҳатидан янги сиёсий партияга айлантириш нечун зарур бўлиб қолди?

КПССда ҳозир вужудга келган вазият аввало унинг раҳбар органлари турмушдан ажралиб қолганлигининг, жамиятдаги демократик жараёнлардан жуда орқада қолиб кетганликларининг, етилган ислоҳотларга консерватив кучлар тўсқинлик қилиб келганлигининг оқибати деса бўлади.

Партиянинг назарий тафаккури кейинги қарийб 70 йил мобайнида ўзининг мутлақо асоссизлигини кўрсатди.

20-нчи йилларнинг ўрталаридан бошлаб, жамиятни ва унда рўй бераётган жараёнларни идрок этишда турғунлик ҳукм сура бошлади.

Партиянинг назариётчилари ва мафкурачилари, теварак атрофимиздаги воқеаларни изоҳлашда жаҳон жамиятининг XIX аср охири XX аср бошларидаги ҳолатига хос бўлган ҳаддан ташқари эскириб кетган категориялар ва тушунчалардан фойдаланишга уриндилар.

Жаҳон социология фанининг ютуқлари ҳадеб реакцион ёки ревизионистлик йўли деб эълон қилинаверди. Айни вақтда олий партия раҳбарларининг совет кишиларининг ҳозирги авлоди учун «порлоқ коммунистик келажак» тўғрисидаги, «ривожланган социализм» қурилганлиги ҳақидаги, «капитализмнинг тобора чуқурлашиб бораётган умумий инқирози» тўғрисидаги ва шу каби асоссиз, ҳеч қандай далил билан исботланмаган даъволари эса, олий назарий кашфиётлар деб талқин этилди.

Партия доҳийлари назарида нуқсонсиз, амалиётда доно ва башоратли деган гапларни партиянинг оддий аъзолари, халқ оммаси ижтимоий-сиёсий арбобларнинг доҳийлигини ва «буюк» сифатларини мақтаб, уларга садоқат билан итоат қилишлари керак деган гапларни неча йиллар давомида бизнинг миямизга қўйиб келган эдилар.

Партиянинг ташкилий тузилиши қотиб қолганлиги ҳам унинг учун жуда ҳалокатли бўлди.

Бизнинг фикримизча, қатъий марказлаштириш, барча партия бўғинларининг марказ иродасига тобелиги яширин шароитда ҳокимият учун кураш олиб борилган вақтлардагина ўринли бўлиши мумкин эди.

Ҳокимият қўлга олиниб, асосли мақсадларни тинч ва ошкора шароитда бевосита амалга оширишга киришилган давр бошланган пайтда эса, партиянинг ўша тузилишини сақлаб қолиш марказий партия идоралари ва уларнинг аппаратлари аҳамиятини кўкларга кўтаришга, партиядаги ва мамлакатдаги ҳокимиятни партиянинг юқори табақаси тўла-тўкис қўлга киритиб олишига олиб келди.

Пролетар диктатураси тез орада партия доҳийларининг диктатурасига айланди ва шундай бўлиб қоларди.

Партиянинг юқори табақаси ҳокимиятни тўла-тўкис қўлга киритиб олгач, меҳнаткашларнинг ва халқ оммасининг номидан гапириш ва гўё уларнинг туб манфаатларини ифодалаш ҳуқуқини ҳам ўзиники қилиб олди.

20-нчи йиллардан бошлаб партия доҳийларидан ҳеч ким ҳеч қачон халқ оммасининг туб манфаатлари нималигини билиб олишга чинакам ҳаракат қилиб кўрмаганини изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак.

Одамлар орасида ишлайдиган ва уларнинг орзу-истакларини, эҳтиёжларини жуда яхши биладиган оддий коммунистларнинг овозини ҳеч ким эшитгиси келмас эди. Оддий коммунистлар, партиялилар оммасидан бутунлай ажралиб, тўралашиб кетган КПСС марказий аппаратига етиб бора олмас эди.

Могильниченко, Бессарабов, Пономарев ва шунга ўхшаган КПСС Марказий Комитетининг оддий фаоллари келсалар, уларни Ўзбекистон Компартияси, бир мустақил давлатнинг раҳбарлари чиқиб кутиб олганликлари — улар қай даражада пасткашлик йўлига ўтиб олганликларининг далилидир. Келганларнинг айтганлари тўғрими, нотўғрими бажо қилинаверган. Уларнинг ҳар келишида юртимизнинг қанчадан-қанча раҳбар ва оддий фуқароларининг боши кетган, қамалган ва қатағонларга дуч келган.

Иттифоқдош жумҳуриятларнинг Компартияларида ҳеч қандай мустақиллик йўқ эди. Уларда қайд этилган аъзолик, мустақил мақом, ўз дастурий ҳужжатлари ва устави бўлмаган КПССнинг бутун тарихи давомида улар оддий-ҳудудий партия ташкилотларидан асло фарқ қилмас эдилар. Биз буни КПССнинг XXVIII съездида рўй-рост айтдик.

Бошқа иттифоқдош жумҳуриятларнинг партиялари каби Ўзбекистон Компартияси ҳам ҳақиқатда партиянинг стратегик йўлини ишлаб чиқишдан четлаштириб қўйилган эди, кўп ҳолларда КПСС марказий органларининг ҳаётдан ажралиб қолган қарорлари

Ўзбекистон Компартияси фавқулодда XXIII қурултойи

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи, иккинчи бетларда).

Мамлакатнинг пахта сохасида мустақиллигига эришиш учун бизнинг заҳматкаш халқимизни не азобларга солмадилар дейсиз. Ўлкамизнинг ер, сув имкониятлари бутунлай силласи қуритиб қўйилди, экология соҳасидаги мувозанат бузилди, бу эса Оролни ва Орол атрофларини фалокатга гирифтор қилди.

Гўдакларнинг нобуд бўлиши кўплиги, умр кўриш қисқарганлиги халқнинг фожиасига айланди. Иқтисодиёт бир ёқлама ривожланганлиги оқибатида жумҳурият асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва энг зарур кўпгина моллар билан ўзини-ўзи мустақил таъминлай олмайдиган ҳолатга тушиб қолди.

Бироқ ҳатто мана шу ҳолат учун ҳам ўзимизни гуноҳкор қилдилар, бу эса КПСС Марказий Қўмитасининг раҳбарлари томонидан жумҳуриятни тайёрга айёрлик қайнатида айблаш учун баҳона бўлди. Мана шуларнинг ҳаммаси Ўзбекистонни ноилож аҳволга, қашшоқларча кун кечиришга мажбур этди.

КПССнинг марказий органлари оғизда миллий жумҳуриятларни ҳар томонлама ривожлантириш ҳақидаги, ғамхўрликни эълон қилиб, амалда эса уларнинг ҳақиқий эҳтиёжлари ва манфаатларини оёқ ости қилдилар.

Мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш стратегияси ҳақида партия съездлари қабул этган ҳужжатларда Ўзбекистон талаб қилган масалаларга жой топилмас эди. Республикани хом ашё манбаи, асосий пахта етиштирувчи ва уни ҳаддан ташқари арзон нархларда сотувчи ўлка сифатида қолдирадиган қоидаларгина ёзилиб қўйилар эди.

Октябрь инқилобидан аввалги даврда Туркистонда ўтказилган мана шу сиёсат, афсуски, Совет Ўзбекистонида октябрдан кейинги даврда ҳам, унчалик ўзгармади.

Тарих — ўжар нарса, уни инкор этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Компартияси ташкил этилиши тарихидан баъзи мисолларни эсга олайлик.

Подшо Россияси Туркистонни босиб олгач, халқнинг қонини тўкиб, ўлкани Россия империясининг мустамлакасига айлантирди, энди Россия сармояси суқилиб кира бошлади, ўлка метрополиянинг хом ашё қўшоғига айлантирилди. Бу эса Туркистон жамиятининг бутун турмушини ағдар-тўнтар қилиб юборди, ундаги халқларнинг бутун турмуши, урф-одатлари, маданий негизлари зўравонлик билан барбод этилди, жамиятнинг табақаланиши кучайди.

Февраль инқилоби оммани оёққа турғазди, социал-демократларнинг ғоялари маҳаллий аҳолининг меҳнаткаш қисми орасига ҳам тарқала бошлади. Ака-ука Қосимхўжаевлар, Низомиддин Хўжаев ва бошқалар ўзбеклардан чиққан дастлабки социал-демократлар эди. Аммо улар оз бўлганликлари учун Туркистон социал-демократия ташкилотларининг тактикасига таъсир ўтказа олмади.

1917 йилнинг июнида РСДРПнинг иккинчи ўлка съездида социал-демократларнинг большевистик гуруҳи биринчи бор шакланди. Шу съездда миллий ва деҳқончилик масалалари юзасидан қарорлар қабул этилди.

Миллий масаланинг муҳимлигини тушуниб етмаслик, энг муҳими эса маҳаллий аҳолининг тилини, анъаналарини, урф-одатларини, маданиятини билмаслик, унинг талаб ва эҳтиёжларини менсимаслик, кўп жиҳатдан маҳаллий миллат вакилларининг партияни шакллантиришдаги пассивлигига, таъсир қилди.

1917 йилнинг 15 ноябрида чақирилган ўлка шўроларининг III қурултойи Шўро ҳокимиятининг ғалабасини мустаҳкамлади, 15 кишидан иборат халқ комиссарлари кенгашини сайлади. Бу кенгашга большевиклар билан сўл эсерлар киришди. Большевик Ф. Колесов Туркистондаги биринчи Шўро ҳукуматининг бошлиғи бўлди.

Ғалаба қозонган пролетар инқилобининг моҳияти ва вазифаларини туркистонлик большевикларнинг баъзи раҳбарлари тор синфий нуқтаи назардан тушунар эдилар. Бу эса ўлка сиёсий, иқтисодий, маънавий турмушининг бир қанча масалаларида, уларнинг ўзига хос тактика йўлига салбий таъсир қилди.

Туркистон шўролари III Қурултойининг (1917 йил ноябрь) декларациясида бу нарса жуда яққол намоён бўлди. Ўлкадаги инқилобий ҳокимиятни ташкил этиш қоидаларини белгилаб берган шу ҳужжатнинг бандларидан бирида бундай дейилган эди: «Ҳозирги вақтда ўлкадаги олий инқилобий ҳокимият идораларига мусулмонларни жалб этиш мақбул эмас, чунки маҳаллий аҳолининг аскар, ишчи ва деҳқон депутатлари ҳокимиятига муносабати тўла аниқ эмас, шунингдек маҳаллий аҳоли орасида пролетар синфий ташкилотлари йўқ шу ташкилотларнинг олий ўлка ҳокимияти идорасида вакиллари бўлса буни фракция табриклаган бўлур эди».

Ўша декларацияда инқилобнинг синфий моҳияти мана шундай нотўғри талқин этилганлиги, янги инқилобий ҳокимият раҳбариятида аҳолининг фақат пролетар табақалари устун бўлиши тан олинганлиги бошқа инқилобий-демократик кучларни инкор этишга олиб борди. Натижада маҳаллий миллат меҳнаткашлари ўлка инқилобий ҳокимиятининг олий идорасида қатнашишдан четлаштириб қўйилди.

Бу кучларни кўрмаслик улар билан ҳисоблашмаслик катта сиёсий хато бўлур эди.

Ўлкада мутлақо бемаъни иқтисодий сиёсатнинг юритилиши маҳаллий аҳоли аҳволини янада ёмонлаштирди.

Озиқ-овқат развёрсткаси чоғида катта қонунсизлик ва ўзбошимчаликка йўл қўйилди. Ҳамма жойда, айниқса Фарғона водийсида озиқ-овқат развёрсткаси зўравонлик билан ҳар доим оширилиб бажарилди.

Шуни ҳам айтиш керакки, аҳолидан ғаллани тортиб олишда озиқ-овқат развёрсткаси якка-ягона йўл эмас эди. Деҳқон қўлидаги шундоқ ҳам кам бўлган озиқ-овқатнинг бир қисми босмачиларга ўтиб кетар эди. Умумиқтисодий таназзул ва уруш сабабли бошқа жойлардан, марказдан озиқ-овқат келмай қолди. Шунинг оқибатида 1917—1922 йилларда очарчиликдан жони узилган одамларнинг сони бир миллион нафар, ҳатто бундан ҳам ортиб кетди. Бир ҳужжатда ана шу офат ҳақида батафсил ёзилган.

Очарчиликка қарши кураш Фарғона вилоят комиссиясининг раиси Камолхўжаев бир ҳисоботда қуйидагиларни ёзган эди: «Ҳароб бўлган қишлоқларда ва оч-наҳор қолган ноҳияларда йўл устида ҳар куни ўнлаб жасадларни кўриш мумкин. Ҳувиллаб қолган баъзи қишлоқларда эса очликдан ўлган одамларнинг жасадини кўмадиган киши йўқ».

Ҳукуматнинг сиёсати одамларни шу ҳолга солди. Бунинг устига маҳаллий идоралар, Совет ҳокимиятининг жойлардаги вакиллари хатти-ҳаракатлари туфайли одамларнинг шўри беш баттар қуриган эди.

Бундай хатти-ҳаракатларни ўша давр кишилари қоралаб, уларга муносиб ва кескин баҳо берган эдилар. 1919 йилда Фарғонага бориб, аҳволни ўз кўзи билан кўрган Ф. И. Голошчекин бу сиёсатни нотўғри, жинояткорона сиёсат, деб атаган эди. У қуйидагиларни таъкидлаган: **«Совет ҳокимиятини рўкач қилиб ҳамма жойда ўзбошимчалик авж олдирилмоқда. Амалдорлар ўз шахсий манфаатларини ўйлаб мавқеларидан фойдаланиб қолишга уринмоқдалар. Мусулмонларга ишончсизлик яққол сезилиб турибди, уларга паст нрқ деб қарамоқдалар. Бунинг устига сиёсатнинг ўзи ҳам шу оммага яхшилик тилаётгани йўқ. Шунинг оқибатида вазият ниҳоятда мушкул бўлиб турибди. Аксарият мусулмонлар норозиндирлар».**

Ф. И. Голошчекин юқоридаги сабаблар туфайли ўрталиклар билан мусулмонлар ўртасида қарама-қаршилик пайдо бўлганини уқтирар экан, бу Фарғонадаги Совет ҳокимияти вакилларининг қалтабин умумий сиёсати ва босмачилик билан боғланиб кетганлигини таъкидлаган эди.

Бизнинг фикримизча бугунги ошкоралик пайтида, ўша даврда Ўзбекистонда йўл қўйилган қатағонларни, босмачилик деган ҳаракатларни нима учун, не сабабли юзминглаб авлод-аждодларимиз она заминни ташлаб, ўз Ватанини тарк этишга мажбур бўлганликларини сабабларини томиригача ўрганиш ва ҳақиқатни рўёбга чиқариш вақти келди, деб ўйлайман.

Босмачилик деб аталмиш ҳаракат билан кураш йиллари ҳалқ қон қақшади. Аммо айни вақтда партия ташкилотларида неча бор ялпи тозалаш ўтказилди. Коммунистлар қайтадан рўйхатга олинди.

Бундай сиёсат, албатта, маҳаллий коммунистларнинг норозилигини юзага келтирмай қололмас эди.

Туркистон Компартиясининг 1918 йилда бўлиб ўтган II съезди Колесов ва Тоболин бошчилигидаги «Эски коммунистлар» деб аталган гуруҳ фаолиятини қоралади. Бу гуруҳ маҳаллий халқни бошқарув ишларига кенг жалб қилишга қаршилик қилган эди.

Туркистон Компартиясининг 1920 йилда бўлиб ўтган V съезди Совет ҳокимиятини ерли миллатга тазйиқ ўтказиш қуролига айлантириш ҳаракатига қатъий қарши чиқди. Кун тартибига Совет сиёсатидаги мустамлакачиликка қарши, тенгсизликни тўлиқ тугатиш учун кураш масаласи қўйилди.

Шундан кейинги йилларда, то 20-йилларнинг охиригача Ўзбекистонни давлат сифатида мустаҳкамлаш, ўзбек тилига амалда давлат тили мақоми бериш сиёсати олиб борилди, миллий ҳарбий қисмлар тузилди.

Шу билан бир қаторда иқтисодий қолоқликка барҳам бериш, маҳаллий индустриал база яратиш, ер-сув ислоҳоти ўтказиш вазифалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Афсуски, худди шу пайтнинг ўзида тоталитар (зўравонликка асосланган) давлат механизми ҳам шакллана бошлади. Бу давлат халқ манфаатларидан ниҳоятда узоқ эди. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган бу марказ тез орада ўз қўлидаги чексиз ҳокимиятни ишга солиб, республикаларнинг мустақиллигини, фуқароларнинг энг оддий ҳақ-ҳуқуқларини ҳам йўққа чиқариб қўйди, эзиб ташлади.

1937—1939 йилларда ички ишлар халқ комиссарлиги идоралари инқилобий қонунчиликни жуда қўпол тарзда буздилар ва оёқ ости қилдилар. Бундай бедодлик кейинги йилларда ҳам, то 50-йилларга қадар давом этди. Сира айби бўлмаган ҳалол одамлар қўплаб қамоққа олинди ва қириб ташланди.

Сталин шахсига сиғиниш йиллари Ўзбекистон халқлари бошига оғир кулфатлар солди. 1937—1939 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши қамалди. Шулардан 37 минг нафардан кўпроғи судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Умуман 1939—1953 йилларда 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди, 7 минг 100 киши эса отиб ташланди.

Асоссиз қамалиб, жиноий жавобгарликка тортилган кишилар орасида партия, совет, хўжалик ходимлари, ҳарбийлар, зиёлилар, ишчилар ва колхозчилар жуда кўп эди.

Маънавий ҳаёт айниқса катта талофот кўрди. Тор синфий ёндашувга асосланган, социалистик реализм концепцияси, ҳар бир миллий маданиятда икки маданият борлиги хусусидаги назария, ягона совет маданияти тўғрисидаги назария неча ўн йиллар мобайнида ҳукмронлик қилиб келди. Бунинг оқибатида миллий маданиятлар бир хил, бир тусда бўлиб қолди. Улар бир ариқдан сув ичар эди-да. Ўзбек маданияти ва адабиётининг Беҳбудий, Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Усмон Носир сингари энг илғор намоёндалари ижоди Советларга қарши ижод деб бадном этилди. Бу адиблар отиб ташланди.

Масжидлар ва мадрасалар бузилди, Қуръон тақиқланди, ёзувимиз ислоҳ қилинди. Бунинг оқибатида маънавий маданиятимиз вайрон бўлди. Шу маданиятнинг халқ урф-одатлари, анъаналари билан алоқаси узилиб қолди. Халқнинг бадиий идроки ришталари ҳам узилди.

Маҳаллий партия ва ҳукумат идораларига зўғум ўтказиш, уларни бўйсундиришга интилиш, назар-писанд қилмаслик, уларнинг мустақиллигини чеклаб қўйишга ҳаракат қилиш оқибатида маҳаллий коммунистлар қаршилик кўрсата бошладилар.

Агар марказ билан маҳаллий партия ташкилотлари ўзаро муносабатларига назар ташласак, миллий мустақиллик ғояси, ўз халқлари тақдирини мустақил ҳал этишга интилиш, ички ҳаётга қўполлик ва нодонлик билан аралашувга қарама-қарши туриш рўй-рост кўриниб туради.

Ана шундай қонунсизлик ва ўз ҳукмини ўтказишнинг пайдо бўлишига кўп жиҳатдан республика айрим раҳбарларининг субитсизлиги, марказ олдида қўл қовуштириб туриши, нима қилиб бўлса ҳам «хўжайин»нинг илтифотига сазовор бўлиш истаги имкон яратиб берди.

Шу жиҳатдан пахта мустақиллиги учун кураш деб, аталмиш ҳаракат этиборга моликдир. РКП (б)нинг 1925 йилда бўлиб ўтган XIV съездидан бошлаб барча съездларда Ўзбекистон олдига муҳим бир вазифа қўйилди. У ҳам бўлса — пахтанинг ялпи ҳосилини кўпайтириш мақсадида ғўза экилган майдонларни тобора кенгайтириб бораверишвазифаси эди.

Шундай қилиб ўзбошимчалик билан пахта яккаҳокимлиги жорий этилди.

Республика иқтисодиёти фақат хом ашё етказиб берадиган бўлиб қолди. Чоризм даврида бўлганидек, республика хом ашё манбаи ҳолатида қолаверди. Шундай режалар тузилгани билан на моддий база ва на технология базаси бор эди. Ушбу режаларни бажариш меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушди. Улар жисмоний жиҳатдан зўриқиб ишладилар. Экин майдони ва пахтанинг ялпи ҳосили белгиланаётганида республиканинг меҳнатга лаёқатли барча аҳолисини пахтага сафарбар этиш назарда тутилди. Болалар ва хотин-халаж ялписига пахта даласига чиқа бошлади.

Республика халқи мамлакат ва собиқ социалистик лагерь мамлакатлари тўқимачилари олдидаги ўз байналмилал бурчини виждонан бажаришга бажарди-ю, аммо ўрнини қоплаб бўлмайдиган талофатларга учради.

Волюнтаризм, қатъиятсизлик оқибатида халқ бошига кўплаб кулфат тушди.

Ҳурматли дўстлар!

Ўзбекистон Компартияси тарихини, унинг жамиятга раҳбарлигини муросасиз таҳлил қилар эканмиз, унинг фаолияти якунларига баҳо берар эканмиз, биз ҳеч нарсани атайлаб қоралаётганимиз йўқ.

Бу гапларнинг, ўртоқлар, ўша зўравонликдан ўзи ҳам азоб чеккан рус халқига алоқаси йўқлигини тўғри тушунасиз деб ўйлайман.

Жумҳуриятимизнинг бутун тарихи давомида унда истиқомат қилаётган рус ва бошқа халқлар вакиллари ўзбек халқининг озодликка, адолатга ва ижтимоий тараққиётга интилишига хайрихоҳ бўлиб келганлар. Ҳаётнинг барча қийинчиликларини баҳам кўрганлар.

Улар бугунги кунда ҳам Ўзбекистон халқларининг иноқ оиласида янги жамият қуришга тайёрдирлар.

Холисона таҳлил шуни кўрсатяптики, ана шу оғир, узоқ йўлда шонли ютуқлар ҳам бўлган эди. Биз уларни рад этмоқчи эмасмиз. Аммо жамият устида ўтказилган ижтимоий тажриба якунларига ҳушёрлик, босиқ, вазминлик билан холисона баҳо беришимиз керак.

Нимага эришдик? Бу халқнинг манфаатларига нечоғлик жавоб беради?

Тўғри, биз социалистик иқтисодиётни бунёд этишга интилдик. Мана энди бугун бели қайишиб кетган иқтисодиётга эгамиз. Пахтачилигимиз қанча-қанча оғир синовлардан ўтаяпти, заҳматкаш халқимиз хизматига қараб самара бераётгани йўқ. Бошқа республикаларга бутунлай қарам бўлиб қолганмиз. Саноат ҳам бор. Завод ва фабрикалар ҳам ишлаб турибди. Аммо республика хом ашё манбаи эди, ҳозир ҳам шундай бўлиб турибди.

Биз пахтачиликдаги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ютуқларимиз ҳақида гапирамиз. Буларни инкор этиб бўлмайди. Лекин қишлоқ аҳлининг турмуш тиркчилиги қандай? Республикамиз аҳлининг 60 фоизи қишлоқларда ночор турмуш кечирмоқда. Узоқ районларда шундай қишлоқлар ҳам борки, инқилоб бундан 74 йил муқаддам ғалаба қозонгани сира-сира сезилмайди.

Биз маданий инқилобнинг ғалабаси ҳақида гапирмоқдамиз. Маданият ва санъат эса ҳозир оғир тангликка дучор бўлган. Бу мафкуравий зўғумнинг оқибатидир.

Партия шу йиллар мобайнида «социализмнинг асослари»ни бунёд этиш, «кенг кўламда коммунизм», «ривожланган социализм» қуриш билангина машҳур бўлиб кетаверди. Ҳамма нарса рўёбга чиқмайдиган орзу-ҳаваслар ва мақсадларга қаратилди. Тирикчилик ташвишлари бошидан ошиб ётган инсон эса чеккада қолиб кетаверди.

Ҳар хил «изм»лар, орзу-ҳаваслар, мақсадлар ҳақида гапирар эканмиз, ниҳоят, шуни ўқиб олишимиз керакки, бу ёруғ дунёда инсоннинг ҳаётидан кўра қадрли бошқа ҳеч нарса йўқ. Унинг аҳволи ёмон эди, ҳозир ҳам ўзгарган эмас.

Коммунистик партия босиб ўтган йўлни таҳлил этиш ва унга баҳо беришдан мақсадимиз шуки, ҳар бир коммунист энди ниҳоят кўзни катта очиб, турмушга разм солсин.

Мафкуравий ақидалардан воз кечсин, ҳақиқатга рўйрост қарасин. Тангликнинг шу қадар илдиз отганлигини фаҳмлаб олсин. Ҳозирги лаҳза ўз зиммасига қўяётган бутун масъулиятни тушуниб олиб, Компартияни бутунлай ислоҳ қилиш ва унинг фаолиятини қайта қуриш лозимлиги тўғрисидаги қарорга келсин.

Айни вақтда аксарият коммунистлар қандай партиядан, қандай мафкурадан, қандай моросдан воз кечаётганлигимизни аниқ-равшан тушуниб олсин.

Биз халқларнинг озодлиги ва тенглиги идеалларидан, миллати, ирқи ёки диний эътиқодидан қатъи назар, жамиятнинг ҳар бир аъзосига тенг сиёсий, фуқаролик ҳуқуқлари ва эркинликларини таъмин этишдек идеаллардан воз кечаётганимиз йўқ.

Ўз муаммолари ва эҳтиёжларига қовурилиб ётган инсон, ўзига, оиласига, қариндош-уруғларига, бутун жамиятга одамдек яшаш учун шароит яратишга, ўз йўриғи билан ва қонуний тарзда интилаётган инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш биз учун асосий масаладир.

Биз одамлар хавф-хатарсиз яшаши учун кафолат берамиз. Жами бойликлар ва яратилган бутун салоҳият республика халқига хизмат қилиши учун қўлимиздан келган барча ишларни қиламиз.

Биз демократик ва ҳуқуқий нормалар ўрнига ҳамма нарса яккаҳокимлик — тўрачилик зўғумига, аллақачон ёшини яшаб бўлган мафкуравий ақидаларга ва бир қолипдаги сафсатабозликка бўйсунадиган, инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг манфаатларига путур етказаётган сиёсий ва давлат тузилмаларидан воз кечмоқдамиз.

Сизларни, азиз делегатлар ва сиз орқали бутун партиямизнинг аъзоларини ишонтириб айтаманки, бизлар бундан буён ҳам халқимизни бошидан кечирган оғир синовли кунларда ўзини пок хизмати, самимий садоқати билан юртимизни ҳимоя қилган оддий коммунист фуқароларга, ветеранларимизга суянган, таянган ҳолатда сиёсатимизни олиб борамиз.

Ўртоқлар!

Янгиланган (янги) партиянинг асосий принципиал дастурий мақсадлари қандай бўлиши керак?

Бизнинг имон-эътиқодимизга кўра, янги партия Дастурининг негизи Ўзбекистон Компартиясининг «Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолиси турмушининг муносиб шароитлари учун» деб аталган Дастури бўлиши керак. Ушбу Дастурни республика аҳолисининг барча табақалари тўлатўкис маъқуллаган эдилар.

Ҳозир ҳаётнинг ўзи мазкур Дастур кўпгина қоидаларнинг ҳаққонийлиги ва ҳаёт талабларига жавоб берганини кўрсатиб турибди. Агар янги Дастурнинг асосий ва принципиал негизларига тўхталадиган бўлсак, аввало, қуйидагиларни таъкидлаб ўтишни истар эдим:

— партиянинг стратегик ва кундалик сиёсати бош мақсади инсон бўлиши керак; унга яшаш ва меҳнат қилиш учун муносиб шароитлар яратиб бериш, барчага баробар фаровонлик яратиб бериш—партия фаолиятининг асосий мақсадидир. Асосий фикр: давлат бой бўлса — халқ бой бўлади эмас, балки халқ бой бўлса — давлат бой бўлади.

Ижтимоий адолатни, хавфсизлик ва ижтимоий муҳофазани, миллати, дини ва эътиқодидан қатъий назар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шани ва қадр-қимматини таъминлашга кафолат бериш талаби — асосий мақсадимиз бўлиши шарт. Демократиянинг асосий хусусиятини — адолат ва қонуннинг устунлигини ўрнатиш шу қаторда бўлиши лозим.

— Инсон ўзининг иқтисодий ва ижтимоий турмуши шаклларини ўз эрки билан танлаб олишга кафолат бериш ниятидамиз, жамиятнинг сиёсий ва давлат тузуми ҳам шунга яраша бўлишига ҳаракат қиламиз.

— Шундай жамият бунёд этишимиз керакки, унда бир мафкура, бир дунёқараш яккаҳокимлик қилмасин, унда сўз ва виждон эркинлиги ҳукмронлик қилсин. Республика ҳудудида яшаётган барча халқларнинг анъаналари ва урф-одатлари, дини, тили ва маданияти ҳурмат қилинсин. Дин сиёсий идеология ролини ўйнамасдан, асосан инсоннинг маънавий, аҳлоқий камолоти учун хизмат қилиши керак, деб ҳисоблаймиз. Биз жамиятнинг маънавий янгиланиш, маданият, адабиёт ва санъатнинг равнақи ҳамма нарсадан афзал кўринишга тарафдоримиз.

— Биз мулкнинг барча шакллари тенг бўлган, иқтисодиёти кўп укладли халқнинг турмуши ва анъаналаринини ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиб, бозор муносабатларига ўтиладиган жамият тарафдоримиз. Айни вақтда аҳолининг иш билан бандлигига, энг оз истеъмол бюджетига, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан заиф табақалари: қариялар ва болалар, кўп болали оилалар, ўқувчилар ва студентлар, кам таъминланган ёлғиз фуқароларнинг ва улар сингари энг оз истеъмол бюджетига кафолат беришимиз лозим.

— Иқтисодий ва хўжалик фаолияти мафкурадан батамом ҳоли бўлиши, ҳукмини ўтказиш йўқолиши, корхоналар, хўжаликлар, кооперативларга тадбиркорлик эрки берилиши, бунда уларнинг фаолияти республиканинг ва республика ҳудудида яшаётган аҳолининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги назарда тутилиши керак.

— Сиёсий ҳаётда миллати ва элати, дини ва эътиқоди, ижтимоий мавқеи ва келиб чиқишидан қатъий назар, барча фуқароларнинг давлат ва ижтимоий ишларда ҳаммага баробар кенг йўл очилишига кафолат берилади.

Жамиятнинг ана шундай тузилишига эришиш янги партия Дастурининг асосий мағзи бўлиши лозим. Ана шундай мақсадга эришиш йўли сўнгги вақтда синовдан ўтди. Бу — фуқароларнинг осойишталиги ва миллий тотувлик, тадбиркорликнинг тўла-тўкис иқтисодий эркинлиги шароитида ҳаётнинг барча соҳаларида қатъий интизом ва тартибнинг ўрнатилишидир.

Эндиликда барча партияларнинг обрўсини ўлчайдиган энг асосий мезон бор: у ҳам бўлса — Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва тўла суверенитетига эришишда мазкур партияга қўшадиган ҳиссадир. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг сўнгги сессиясида жуда муҳим тарихий ҳужжатлар, яъни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ҳақида Баёнот ҳамда шу мустақилликнинг асослари тўғрисида Қонун қабул қилинди. Эндиликда ана шу ҳужжатларда баён этилган вазифаларни рўёбга чиқариш зиммамиздаги муҳим топшириқ бўлиб турибди.

Биз ана шу вазифаларнинг адо этилишига қараб ҳали «суяги қотмаган» айрим ҳаракатлар ва уларнинг шуҳратпараст раҳбарларининг қуруқ сафсатабозликдан иборат нутқлари ва чақириқларини кам гапириб, амалий иш билан ўзини кўрсатаётганлардан фарқлаб оламиз. Аммо худди ана шу кишилар ўз иш жойларидаги, далалардаги, корхоналардаги ва муассасалардаги меҳнати — ҳиссаси билан халқнинг оғир қисматини енгиллаштириш, одамларни ҳозир тушиб қолган тангликдан қутқариб олиш учун қўлларидан келган ҳамма юмушларни қилмоқдалар.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, биз ўлкамиз, республикамиздаги барча соғлом кишиларни, барча ватанпарварларни бирлашишга даъват этамиз. Ўртадаги келишмовчиликларни, биринчи навбатда мафкуравий келишмовчиликларни (агар умуман ана шундай келишмовчиликлар бўлса) нари суриб қўйишимиз керак. Вақтинча бўлса ҳам ўртамиздаги гина-шубҳаларни нари суриб қўйишимиз, ертўла ва панагоҳлардан чиқишимиз, гуруҳларнинг манфаатларини, хусусий ёки шахсий манфаатларни эсдан чиқаришимиз керак.

Кўп эзгу-орзулар ва қадриятлар гаровга қўйилган: бу аввало, халқимизнинг тақдиридир. Қарияларимиз, оналаримиз, рафиқаларимиз ва болаларимизнинг тақдиридир. Республика, унинг бугунги куни ва келажаги, унинг мустақиллиги тақдиридир. Халқимиз кўп асрлардан буён эркин, мустақил ва бахтиёр бўлишни, бугун ва эртага муносиб ҳаёт кечиришни орзу қилиб келган эди. Шу орзуармонлар ҳаққи бирлашайлик.

Ҳозирги мураккаб пайтда четдан туриб, қани энди мустақиллик йўлига ўтаётган халқ биринчи қадамларни қандай қўяди: ёки жипслашиб, бир ёқадан бош чиқариб олдида турган оғир кунларни енгади, ўз мақсадига етади; ёки бир-бири билан келишмасдан, орасида низо ва адоват пайдо бўлиб пароканда бўлиб, шармандаю-шармисор бўлиб кетади, деб турганлар, шу ниятлар амалга ошишини хоҳлаганлар сони кам эмас.

Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтиш керак: ҳаммамиз тарихий синовдан ўтяапмиз. Такрор айтаманки, шахсий манфаатлар ва гуруҳлар манфаатларини, турли сиёсий ва мафкуравий келишмовчиликларни нари суриб қўйиш мумкин. Агар биз биргаликда, ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат қилмасак, бошланган ишни ниҳоясига етказмасак, халқимиз бизни тушуна олмай қолади. Пешонамизга умрбод лаънат тамғаси босилади.

Аждодимиз, айни вақтда, замондошимиз бўлган шоир Чўлпон донолик билан «Халқ тўлқиндир, халқ денгиздир, халқ кучдир» деб наъра тортган эди.

Ўзбекистоннинг миллий давлат қурилишига дахлдор муаммоларни муваффақиятли амалга ошириш ҳал қилувчи даражада юртимизнинг халқаро ҳамжамиятга қўшилишига, унинг вазминлик билан юритаётган ташқи сиёсатига боғлиқ бўлади.

Биз ички сиёсатда фуқаролар жамиятини таркиб топтириш, минтақамизнинг миллий ўзига хос жиҳатларини инобатга оладиган ҳуқуқий демократик давлат қуришни, асосий мақсадимиз деб эълон қилдик. Ташқи сиёсатимизда эса давлатлараро муносабатларни мафкурадан ҳоли қилиш йўлини тутишимиз керак.

Ҳар бир ижтимоий-сиёсий система ёки тузум, ҳар бир давлат ўзининг яшашга қодирлигини, ўз халқининг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тараққиётини таъминлашга қодирлигини, халқаро ҳамжамиятга дахлдор муаммоларни, ҳал этишга ҳисса қўша олиши билан, исботлаши керак.

Ўртоқлар!

Партиянинг Дастурий мақсадлари ва вазифалари ҳақида гапирар эканман, воқеалардан ўзиб кетмоқчи эмасман. Айниқса партия вакилларига ўз нуқтаи назаримдан таъсир ўтказиш ниятим йўқ. Шунинг учун ҳам партия аъзоларининг партия Дастури ва Уставини ишлаб чиқиш ва унинг ташкилий тузилмасини тайёрлаш юзасидан комиссияларни ва умумий Ташкилий комиссиясини тузиш тўғрисидаги таклифларини қўллаб-қувватлаш лозим, деб ҳисоблайман.

Бўлажак Дастур ҳақида биз гапириб ўтдик. Партия Уставини ҳам имкони бор қадар демократиялаштиришимиз, халқимизга яқин қилишимиз керак. Устав партия аъзоларига катта ҳуқуқ ва имкониятлар бериши билан бир қаторда, қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилиши учун партия аъзоларининг интизоми ва масъулиятини ҳам таъминлаб бериши зарур. Партияни тез ва равон қайта қуриш имкониятини кўзда тутиш, зарур бўлган ҳолларда эса партиянинг ташкилий тузилмалари ва унинг айрим бўғинларини ўзгартириш кўзда тутилиши керак.

Бизнинг янгиланган партиямиз парламент типидаги партия бўлиши керак. Аммо шу билан бир қаторда у халқнинг ташаббускорлиги ва ижодкорлигини ўзида жамулжам этган сафарбар қилувчи куч, ташкилот бўлиши даркор. Партия аҳолининг турли-туман қатламлари ҳаётий эҳтиёжларини акс эттирсин.

У иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлар даврида аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қиладиган партия, одамларнинг фаровонлиги тўғрисида, маданият ва ахлоқ-одобни қайта тиклаш ҳақида ғамхўрлик қиладиган партия бўлиши керак.

Турли миллатларга мансуб кишиларнинг хоҳиш-иродаси ва куч-ғайрати билан, бу партия миллатлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги партияси бўлиши керак. Халқ бирлиги партияси бўлиши зарур.

Энди партиянинг номи ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Кўпгина таклифлар тушмоқда. Баъзилар партиянинг эски номини қолдиришни таклиф этмоқдалар. Бошқалар эса ислоҳ этилган партияни халқ демократик партияси деб аташ керак демоқдалар. Халқ партияси, миллатлараро ва фуқаролар тотувлиги партияси, «Озодлик» партияси деб, аташ керак деган таклифлар ҳам бор. Бу янги номлар асослаб ҳам берилмоқда. Хуллас, аксарият кишилар партиянинг эски номини ўзгартириш тарафдоридир. Менинг шахсий фикрим ва Бюро аъзоларининг фикри ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳозирги вазиятга энг муносиби ва узоқ келажакни ҳисобга оладиган бўлсак, Ўзбекистон Халқ Демократик партияси деган ном жуда мақбул бўлур эди. Бу хусусда фикримиз бир жойдан чиқди.

Агар биз эзгу-мақсадларга эришишни истасак, ёшини яшаб бўлган, барча қотиб қолган нарсалардан, мафкуравий хом-хаёллардан, кечаги кун ақидаларидан воз кечишимиз керак.

Путурдан кетган тузилмалар, ишнинг услуб, шакл ва усулларини сақлаб қолишга ва бўяб-бежаб тузатиб қўйишга уринмаслигимиз керак. Бир оёғи кечаги кунда қолиб кетган кишилар қўйидагиларни уқиб олишлари керак: агар биз ҳозир партияни тубдан ислоҳ қилмасак, уни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янгиламасак, эртага партия ҳаётнинг равон йўлидан улоқтириб ташланади. Бу борада мисоллар жуда кўп.

Партия ихтиёрида шундай имкон бор. Ваҳимага тушмасдан, шўримиз қуриб қолди деб, кўнгилни чўктирмай ва айниқса турли-туман «...изм»ларга осилиб олмай, тез ва қатъият билан ислоҳотни ўтказишимиз керак. Шундан кейин меҳнаткашлар ва аҳолининг кенг кўламдаги ва мустаҳкам мададига таянниб, олижаноб мақсадларимизга эришиш йўлини, собитқадамлик ва изчиллик билан ўтказишимиз керак.

Съездимизда сайланган комиссиялар, янги партиянинг Ҳаракат Дастури, Устави ва ташкилий структурасини кенг омма ёрдамида ишлаб чиқиб ва кенг кўламда муҳокама қилгандан кейин мана шу янги Халқ Демократик партиясининг тақдирини, ҳал қиладиган ҳужжатларни тасдиқлаш учун таъсис қурултойи чақирилади. Ўнгача Ўзбекистон Компартиясининг структуралари ўз ҳолатида ишини давом эттираверади.

Ўртоқлар!

Сиз делегатларга, сизлар орқали жумҳуриятимиздаги жами коммунистларга, барча ҳалол ва пок ниятли кишиларга мавқеидан қатъи назар, мурожаат қилиб, ишонч билан шуни айтмоқчиманки, партиямиз, халқимиз оғир синовлардан неча-неча бор омон чиққан. Бу гал ҳам биз халқимиз билан бирга бўламиз, халқимизнинг юксак ишончига муносиб бўламиз, муносиб бўлишимиз шарт.

Азиз дўстлар!

Шу кунларда ҳаммамиз Ўзбекистон халқи ва Ўзбекистон Республикамизнинг мураккаб ва шарафли, тарихий кунларини бошимиздан кечирмоқдамиз. Ўзбекистонимиз мустақиллиги пойдеворини қураяпмиз.

Ишонаманки, мана шу залда қатнашаётганлар, ҳар қайси виждонли, ватанпарвар, элпарвар инсон бутун халқимиз билан бирга мустақиллик йўлидан ҳеч қачон қайтмаймиз ва асрлар, йиллар орзу-умид қилган озодлик, эрк

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Уйғур халқи тарихи-ю бобоколонлари, кўрган кунлари-ю дард-аламлари, урф-одатлари-ю тили ва диний эътиқоди азалдан бир бўлган ўзбек халқи ва Ўзбекистоннинг мустақиллигини ўзида йўқ ҳаяжон, қувонч билан кутиб олди.

Биз мустақил Ўзбекистон Республикасининг миллий байроғи яқин вақт ичида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси устида барча жаҳон давлатлари байроқлари қаторида намоён бўлишини истар эдик.

Сизни, ҳурматли Президент, сиз орқали бутун ўзбек халқини Ўзбекистон диёрида бу ажойиб тарихий аҳамиятга молик бўлган мустақиллик, озодлик даврининг бошланиши билан бутун уйғур халқи номидан табриклашга ижозат бергайсиз.

Ўзбекистоннинг муборак истиқлолиятини мустаҳкамлаш ва унинг чин маъноси билан гуллаб-яшнаши йўлида уйғур халқи ҳам барча қардош халқлар билан қўлни қўлга бериб, астойдил меҳнат қилишларига сизни ва бутун ўзбек халқини ишонтирамиз.

Ўзбекистон Республикаси уйғур маданий жамияти ранси

Абдулжон БАРАЕВ.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

Ассалому алайкум!

Сиз жанобларини ҳамда ўзбек халқини муқаддас истиқлол билан юракдан қутлаб, Оллодан бу мустақил давлатга куч-қувват тилайман! Яшасин Ўзбекистон мустақиллиги!

Аҳмад Али Туркистоний, Жидда, Саудия Арабистони

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. КАРИМОВГА

Биз, Чуст районида истиқомат қилувчи қрим татар аҳли, сизни ва бутун Ўзбекистонни мустақиллик билан табриклаймиз.

Оғир йилларда ўзбек халқининг бизларга қилган яхшиликларини ҳеч қачон унутмаймиз. Мустақил қадамларингиз қутлуғ бўлсин!

Ҳурмат билан,

Чустда истиқомат қилувчи қрим татарлари жамоаси.

* * *

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ И. А. КАРИМОВГА

Кўпдан кутилган қувонч, кўпдан кутилган мустақиллик сизга, ҳаммамизга муборак бўлсин.

Самарқанд вилояти хотин-қизлар қўмитаси номидан

Бибисора Туропова.

Пойтахтимиздаги энг катта, бағри кенг, салобатли ва шукуҳли Мустақиллик майдони не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган. Эндиликда ушбу майдонда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг фармонига кўра «Озодлик» обидаси бунёд этилади. 12 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғинга тўпланган давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчилар ва меъморлар, рассомлар ва ҳайкалтарошлар мустақиллигимиз рамзи сифатидаги ана шу обида қандай бўлиши зарурлиги хусусида маслаҳатлашиб олдилар.

АСРЛАРГА ТАТИЙДИГАН ОБИДА БЎЛСИН!

Мазкур обида зулм ва истибдоддан озод бўлиш, кўнгил ва руҳнинг эрки, инсон эркинлигининг рамзи бўлиши керак, деб таъкидланди мажлисда. Бу ёдгорлик халқимизнинг, Ўзбекистондаги барча халқларнинг зиёратгоҳига, уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшадиган, эзгу ишларга чорлайдиган қадамжога айланиши лозим.

— Жаҳондаги мамлакатларда бундай ҳайкаллар анчагина, — деб таъкидлади Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров. — Ҳорижий ҳайкалтарошлар ва меъморларнинг тажрибасини ўрганишимиз, айни вақтда қадимий меъморчилик меросимиздан ижобий фойдаланишимиз, мустақилликдек улуғ ғояларни шунга яраша образларда акс эттиришимиз керак.

— Тошкент халқимизнинг эрки, озодлиги, ободончилиги деб умрини фидо этган кўплаб алломаларнинг қадами етган қутлуғ заминдир,— деди адиб Абдуқаҳҳор Иброҳимов. — Шу арбобларимизнинг руҳи ҳам бўлажак обидада акс этади деб умид қиламан.

— Шавқ ва илҳом билан ишлаш учун ажойиб даврон келди, — деб уқтирди Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов. — Бўлажак қадамжо, назаримда, маданиятимизнинг қўзгуси бўлиши лозим. Жаҳон кезган, оламни ўз кўзи билан кўрган кишиларнинг бўлажак ана шу ёдгорлик ҳақидаги мулоҳазаларини ўрганишимиз зарур бўлади. Халқимизнинг мустақиллик учун кураши тарихини монументал асарда символлар, яъни рамзлар орқали ифодаласак деган орзуим бор.

— Тарихимиз саҳифаларига Спитамен, Широқ, Тўмарис сингари миллий қаҳрамонларимиз, сарбадорларнинг номлари зарҳал ҳарфлар билан битилгандир. Мен бўлажак санъат асарида озодлик руҳи балқиб туришини истар эдим, — деб таъкидлади шоир Муҳаммад Али.

Мажлис аҳли бу табаррук обидани тиклашда кўҳна меъморчилик меросимиздан фойдаланиш хусусида қайта-қайта гапирди. Масалан, қадимий Афросиёб деворларидаги монументал тасвирлар ҳайкалтарош ва рассомлар, меъморлар илҳомига илҳом қўшиши мумкин. Ана шунда ёдгорликка миллий руҳ бахш этиш мумкин бўлади. Бу зиёратгоҳга ҳар бир одам кўнгли ва дилини поклаш учун келадиган бўлсин.

1966 йилги Тошкент зилзиласидан кейин пойтахтимизни қайта тиклашга кўп меҳнати сингган меъморлардан Собир Одилов ва Фарҳод Турсунов ҳам мажлисда ўз фикр-мулоҳазаларини айтдилар. Майдонга асос солинган, деб уқтирилди. Бу ердаги иморатлар, обидалар ва ёдгорликларни тиклашга меъморлар бир неча авлодининг меҳнати сингган. Бу ижодий анъана бундан буён ҳам давом этаверади. Назаримизда, деб таъкидлашди улар, Тошкент шаҳар ижроия комитети янги обидани тиклашда бош-қош бўлиши лозим. Барча ижодкор ходимлар ҳар жиҳатдан ёрдам беришга тайёрдирлар.

Йиғилиш қатнашчилари бўлажак обида лойиҳасини тузиш учун ўтказиладиган танлов шартларини ҳам кўриб чиқдилар. Минглаб ҳамшаҳарларимиз ва Ўзбекистондаги барча фуқароларнинг фикрини ўрганиш мақсадида маслаҳат кенгаши тузиладиган бўлди. Таклифлар шу йилнинг декабрь ойигача қабул қилиниб ўрганиб чиқилади. Янги обидани Мустақиллик кунининг бир йиллиги нишонланадиган даргача қуриб битказиш мўлжалланмоқда.

Мажлисни Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди. Мажлисда Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари П. Нуъмонов, Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Б. Назаров иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

• Фавқулодда қурултой залидан репортаж

ДАВР ТАҚОЗОСИ

Мамлакат сиёсий ҳаётида 19-21 август кунлари рўй берган бири-бирига зид воқеалар КПСС тақдирига ўнглаб бўлмас зарба берди. Партия раҳбарияти синовга бардош беролмади, халқнинг, миллионлаб софдил, фидокор коммунистларнинг ишончи чоккочокидан сўкилиб кетди.

Республикамиз коммунистлари, меҳнаткашлари бунга беparво, бефарқ қараб турмадилар. Улар жиддий саволларни ўртага қўйдилар: энди бундан кейин нима бўлади? Узоқ йиллар давомида бир неча авлод ҳаётида халқнинг қон-қонига сингиб кетган партия судсиз, съезд ва пленумсиз таъқиқлаб қўйилаверадими? Компартия бизнинг республикамизда сақланиб қоладими ёки ўз-ўзини тарқатиб юборишга мажбур бўладими?

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленуми фақат 600 мингдан кўпроқ коммунистларнигина эмас, балки республиканинг барча аҳолисини ўйлатиб ва ўртаб келаётган бу саволларга бироз бўлса ҳам жавоб бергандай бўлди: партиянинг қиёфасини, Дастури ва Уставини тубдан ўзгартириш зарур. Янги партия қандай номда бўлишидан қатъи назар халқ учун яшаб, унинг манфаатини ҳимоя қиладиган халқчил, мустақил партия бўлиб қолиши лозим. Пленум ана шу масалани узил-кесил ҳал этиш учун фавқулодда қурултой чақиришга қарор қилди.

...14 сентябрь. Қурултой куни. Республика коммунистлари сайлаган мухтор вакиллар бу ерга ўз маслакдошларининг қатъий наказларини ҳам олиб келишган. Фикр-мулоҳазалар, таклифлар ғоят кўп. Эҳтиросларнинг шу қадар кучлиги, мажлис танаффус пайтларида залдан тошиб чиқиб, фойеларда, давра суҳбатларига айланган кичик-кичик гуруҳларда давом этаётгандай гўё. Кимдир асосий маърузада кўтарилган масалага муносабат билдираяпти, кимдир партияга нисбатан ўз нуқтаи назарини уқтирмоқда, яна кимдир... Вақтдан фойдаланиб биз — журналистлар ана шу суҳбатларга зимдан қулоқ солиб гап терамиз. Мана, баланд бўйли, қотмадан келган, қиргий кўз, юзлари офтобда қорайган «нотиқ». Танийман уни, Томди район партия комитетининг биринчи котиби Марат Сулаймонов. У ўзбекча ва қозоқча сўзларни омухта қилиб, атрофидагиларга ўз фикр-мулоҳазаларини айтаяпти:

— Биз бу ерга райондаги партия аъзоларининг ҳам, партиясиз аҳолининг ҳам таклиф-мулоҳазаларини олиб келганмиз, — дейди у. — Биз бугун пойдеворини тиклайдиган партиямиз амалий социалистик мафкурани ўзига чуқур сингдирган Халқ Демократик партияси бўлиши лозим. Республика Компартияси биринчи котиби ҳам ўз маърузасида ана шу ғояни илгари сургани маъқул гап бўлди.

— Фикрингиз дурустку-я, — деди унга Хоразм лахчасида Қўшкўпир районидаги «Тошкент» давлат хўжалигининг механизатори Саломат Қурбонбоева. — Аммо гап фақат номда эмас, гап унинг моҳиятида. Янги партиямиз республикада тотувликни, осойишталикни сақлаш, одамларнинг қорнини тўйдириш, кийинтириш, ҳар бир оила тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи мақсад қилиб қўймоғи лозим. Агар у мана шунга эришса халқ унга албатта эргашади.

Суҳбатга Ғиждувон районидаги Ҳамид Олимжон номли жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Собир Абдуллаев қўшилди:

— Халқ буйруқбозликдан, турли хил кўрсатмалар берилишидан, ваъдабозлик ва гапбозликдан жуда ҳам тўйди, — деди у. — Умуман бизда субутсизлик азалдан обрў топмаган. Очиғини айтсам, Коммунистик партия ҳам мана шу қусури билан обрўсини йўқотди. Ваъдалари кўпайиб кетди-ю, амалда бирор ишни охирига етказгани йўқ. Мана шу расмиятчилик, қоғозбозлик пировард натижада халқнинг турмушини оғирлаштириб юборди...

Бошқа гуруҳ ва давраларда ҳам суҳбат мавзуи ана шундай мазмунда борарди. Аммо ҳамма ерда ҳам ягона бир фикр ўз тасдиғини топмоқда эди: мустақил республикага ўзига яраша мустақил, одил, халқчил, элнинг дарди билан яшайдиган ва унинг тарихий ўтмиши, асрий анъаналарини ҳисобга олиб иш кўрадиган партия керак. Жумладан, биз суҳбатлашган қурултой делегатларидан бири — Нурота районидаги «Қизилча» давлат хўжалиги директори Мурзон Нурбоев ҳам ана шундай мазмунда гап айтди. Мен бу кишини аввалдан танийман. Хўжалик унинг раҳбарлигида оёққа турди, ривожланди, бошқа манаман деган хўжаликлар билан беллаша оладиган даражага етди. Нурота яйловларида «Қизилча» давлат хўжалигининг 20 мингдан кўпроқ қўйлари ўтлаб юribди. Чўпонлари ўтирган ўрнини «сотиб оладиган» иш билармон йигитлар, Мана шундай илғор, донг таратган хўжаликка раҳбарлик қилаётган Мурзон ака ҳам вилоят, республика доирасидаги йиғинларда ўрни ҳамиша юқорида бўлиб келган. Мен уни Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида ҳам, КПССнинг XXVIII съездида ҳам давра ва суҳбатларда бийрон-бийрон сўзлагани гувоҳи бўлганман. Совхоз коммунистлари бу гал ҳам партиянинг республика фавқулодда қурултойига уни ўз номларидан вакил қилиб жўнатибди.

— Гапнинг индаллосини айтадиган бўлсам, Компартия ўз умрини яшаб бўлди, — дейди у. — Шундай бўлса ҳам марказда унга нисбатан ўтказилган зуғумни ҳеч қандай қуюшқонга сиғмайдиган иш бўлди деб баҳолайман. Узингиз бундоқ мулоҳаза қилиб кўринг-а, партиянинг раҳбариятларини қисми жиноят қилсину, оддий коммунистлари имонэтиқоддан айрилишсин? Бу худди ишни қилган карнайчи, балога қолган сурнайчи, деган гапга ўхшаб кетади. Шу жиҳатдан республика партиясининг мустақил партияга айлантирилганини тўла қўллаб-қувватлайман. Хўжалигимиздаги 140 коммунист ҳам худди ана шундай фикрда... Энди бугунги қурултойимизда қилинган маърузага келсак, биринчи котибимизнинг бўлажак партия номини Халқ Демократик партияси бўлсин деб билдирган таклифига қўшиламан.

— Партия ва Кенгаш раҳбарлигининг бир одам қўлида мужассамланиши масаласида қандай фикрдасиз?

— Хўжалигимиздаги энг кейинги партия йиғилишимизда шу ҳақда ҳам гап борганди. Ҳаммамизнинг фикримиз, бошқа делегатлар ҳам шу фикрга қўшилишига аминман, республика даражасида партиянинг биринчи раҳбари айни пайтда ҳукуматнинг олий раҳбари ҳам бўлиши лозим. Бу партиянинг мавқеи, ўрни, роли ва обрўсига ҳам ижобий таъсир кўрсатади, албатта. Қуйи даражаларда эса, масалан, вилоят шаҳар ва район миқёсида партия раҳбари бошқа-ю, Кенгаш раиси бошқа киши бўлгани маъқул. Ҳозир ўрни келиб қолди, шу йўналишдаги яна бир фикримни айтсам дейман. Гарчи мавзуга тааллуқли бўлмаса ҳам уни ўртага ташламоқчиман, Фикрим шундан иборат: вилоят, шаҳар ва районларда партия қўмитасидан бошқа кенгаш ва ижрокомлар ҳам бор. Асосий ишни эса ҳозир ижроқўм бажаряпти. Шундай бўлгач, Кенгашнинг ҳожати борми? У энди олтинчи бармоқдай гап бўлиб қолди. Ортиқча идорадан қанчалик тез қутулсак, шунчалик фойдаси кўп бўлади.

Томдидаги Ленин номли давлат хўжалиги чўпони Нуржон Бекмуродов суҳбатимизни жон қулоғи билан эшитиб турган эди. Гап «олтинчи бармоқ»га келиб тақалганида у ҳам жўшиб кетиб даврага қўшилди:

— Жуда ҳам тўғри гапни айтдингиз, оға. Ортиқча идоралар ва штатлар партияда ҳам учрайди. Шу сабабли партия структурасини ҳам албатта кўриб чиқмоғимиз лозим. Гарчи, вилоят ва район партия қўмиталарида штатлар қисқараётган бўлса ҳам ҳамон нима иш қиларини билмай сарғайиб ўтирадиган хонанишин ходимлар кўп. Уларнинг иши кун бўйи юқори идораларнинг кўрсатмаларини ўқишу, кейин шуни қуйи бўғинларга юбориш, турли хил маълумотлар тўплашдан иборат бўлиб қолди. Айтингчи, бундай ходимлар ҳозирги кунда партияга керакми? Яна бир фикр: Биз хўжалигимизда амалга оширгандай, маҳаллаларда иш олиб борадиган ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ишини ривожлантиришга зўр беришимиз керак. Чунки аҳоли яшайдиган жойдагина уларга таъсир ўтказиш, ташкилий, тарбиявий ишларни олиб бориш мумкин. Бу ишлар эса партия ташкилотлари фаолиятида асосий ўринни эгаллайди.

Қўнғироқ овози ҳаммани залга, қурултой мажлиси давомига чорлади. Қисқа танаффус тугади. Энди қизғин фикр, олишувлар, баҳс ва мунозаралар, тортишувлар залга ўтди. Ҳозиргина давраларда бошланган суҳбатлар давоми ялпи даврага кўчди. Аммо, ишончим комил: шу залда, шу анжуманда янги — Халқ Демократик партияси вужудга келаяпти. У мустақил республиканинг халқ қўллаб-қувватлайдиган энг оммавий партияси бўлиб қолади, деган умиддаман. Унинг элимиз ташвишидан бошқа ташвиши, элимиз дардидан бошқа дарди бўлмайди. Чунки унинг исми жисмига монанд бўлишини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Бобомиз Алишер Навоий айтган «Онингким йўқ халқ ғамидин ғами» деган ибора янги партиямиз фаолияти дастурининг бош мақсади бўлиб қолишига аминман.

Р. ТУРСУНОВ, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШГА ЭЪТИБОР

Самарқандда, И. П. Павлов номли табобат илмгоҳи негизида СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан Бутуниттифоқ оториноларингологлар илмий жамияти ҳомийлигида тузилган оториноларингология марказий ўқув-услубий муаммолар комиссиясининг кўчма мажлиси бўлди. Табобат билим юртлари ва олий ўқув юртларида дарс беришни ҳамда кадрларни қайта тайёрлашни яхшилаш муаммолари муҳокама қилинди.

Комиссия ишида Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Озарбайжон ва бошқа жумҳуриятлардан келган таниқли олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этишди.

(ЎзТАГ).

ТАШАББУСКОР ГУРУҲ ЙИҒИЛИШИ

Пойтахтдаги Яккасарой масжидида 11 сентябрь куни Тошкент шаҳри ва вилояти мусулмонлари ташаббускор гуруҳининг йиғилиши бўлди. Уни Тошкент шаҳрининг бошимом хатиби мулло Абдураҳмон домла очиб, йиғилганларни жумҳуриятимиз мустақилликка қадам қўйганлиги билан муборакбод этди. Шу муборак кунларда биз ҳам шаҳримиз ва вилоятимиз мусулмонлари диний идорасини мустақил равишда фаолият кўрсатишини тўғри деб топдик, — деди у. — Маълумки, Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси диндорлар ўртасида юзага келаётган муаммоларни ҳал қилишда қийналмоқда. Тошкент шаҳри ва вилоят диний идорасини тузиш ана шу муаммоларни, баъзи келишмовчилик ва низоларни бартараф этишга кўмаклашади.

Йиғилганлар Абдулазиз қори Мансуровни Тошкент шаҳри ва вилояти мусулмонлари диний бошқармасининг муфтиси этиб сайладилар. Бошқарма ҳайъати, уламолар кенгаши, ноиблар ва котиб ҳам сайланди.

(ЎзТАГ).

ЯШИЛ БОЙЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Ўрмон — мамлакатимизнинг асосий бойликларидан бири, халқ хўжалиги кўпгина тармоқлари учун хом ашё, минглаб турдаги буюм ва маҳсулотлар тайёрлаш манбаи.

Ўрмонзорлар беҳисоб саломатлик хазинаси. Бир гектар ўрмон йилига ўн-йигирма тонна кислород ажратиб чиқариб, беш-ўн тонна заҳарли ҳавони тозалайди. Табобатдаги дори-дармонларнинг қирқ фоиздан зиёди ўрмон ўсимликларидан олинади.

Ўрмончиларнинг анъанавий касб байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси давлат ўрмон қўмитаси раиси А. А. ХОНАЗАРОВ билан «Ўзбекистон овози» мухбири Ш. МИРҲАБИБОВ суҳбатлашди.

— **Абдушукур Абдуҳалилович! Ўрмон хўжалиги ходимларининг анъанавий касб байрами қандай кутиб олинмоқда?**

— Кўпгина ўрмон хўжаликлари ишни янгича ташкил қилиб, шу йилнинг саккиз ойлик режаларини ортиғи билан бажардилар. 13,4 минг гектар янги ўрмонлар ташкил этилди. Тўрт юз гектар майдонда табиий ўрмонларни кенгайтиришга эришилди. 1,4 минг гектар ихота дарахтзорлари яратилди. Орол денгизининг қуриб қолган ҳавзасида ва унинг атрофида қум кўчиши олдини олиш мақсадида 7,1 минг гектар майдонга ва ўрмон фондига қарашли қумликларда 10,2 минг гектар, яйловларни яхшилаш мақсадида 6,2 минг гектар ерда ўрмонзорлар барпо этилди.

Айниқса, аҳоли учун яхши қурилишбоп ёғоч ҳисобланган терак экишга эътибор кучайди. Шу йил 363 гектар майдонда янги теракзорлар ташкил этилиб, бу борадаги режа 117 фоизга бажарилди. Ўрмонзорлар барпо этиш борасида бухоролик ўрмончилар пешқадамлик қилишди. Бу борада Қўқон, Узун ва бошқа ўрмон хўжаликлари ходимлари мақтовга сазовор ишлар қилишди. Хўжаликларимизда мевали дарахт, ток ва терак ниҳоллари етиштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозиргача тўрт миллиондан зиёд ниҳол пайванд қилинди.

— **Доривор ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш, кенг истеъмол буюмлари тайёрлаш қандай?**

— Ўрмончиларимиз доривор ва озиқ-овқат ўсимликлари териш, уларни маданий ҳолда етиштириш борасида маълум ишларни амалга оширдилар. Жумладан, саккиз ой мобайнида 250 тонна шифобахш ўсимлик йиғиштирилиб, истеъмолчиларга топширилди. Бу борада Бурчмулла, Оҳангарон, Узун, Китоб ўрмон хўжаликлари яхши натижага эришдилар.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш саккиз ойлик режаси 101,3 фоизга, кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш 118,8 фоизга бажарилди. Шу давр мобайнида Андижон, Наманган, Қўқон ва Сирдарё ўрмон хўжаликлари, Қорақалпоғистон давлат ўрмон қўмитаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Самарқанд вилоятлари бошқармалари ўз муваффақиятларини кўпайтирдилар.

— **Байрам арафасида ҳадеб ютуқлар ҳақида гапираверсак бўлмас. Айрим камчиликлар ва муаммолар ҳам бордир?**

— Ишимизда ҳали кўплаб камчиликлар, ҳал бўлмаётган муаммолар ҳам бор. Жумладан, ўтган саккиз ой мобайнида уруғ сепиб, ўрмон ташкил қилиш режаси бажарилмади. Ўрмон хўжалиги даромадининг асосини ташкил этувчи ниҳоллар етиштириш ва уруғчиликка бўлган муносабат яхшиланмади. Уруғ тайёрлаш ярим йиллик режаси атиги 60,2 фоизга бажарилди. Экилган ниҳолларни сақлаш кўрсаткичи 45 фоиздан юқори эмас. Дарахтларнинг касалланиши ва зараркунандаларга ем бўлиши, ёнғин ҳодисалари учраб турибди. Шу йилнинг ўзида Зарафшон қўриқхонаси, Хоразм ўрмон хўжалиги ва Ибн Сино номли давлат хўжалигида тўртта ёнғин чиқди. Бундан катта зарар кўрилди. Ўрмон қонунбузарчилиги ҳам ортиб борди.

Хўжаликларимизда шифобахш ўсимликларни териб топшириш, зиразорларни қўриқлаш масаласи яхши йўлга қўйилмаган. Турли кооперативлар ва шахслар томонидан зиразорларни пайҳон қилиш давом этмоқда.

Ҳозирча хўжаликларимизда меҳнаткашларимиз учун оддий иш шароити ҳам йўқ. Идоралар қаровсиз аҳволда. Уй-жой, маданий-маиший иморатлар ва боғчалар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади. Ишчиларнинг ўртача ойлиги эса Иттифоқ бўйича бизда энг паст бўлиб, бор-йўғи 156 сўмни ташкил этади. Нарх-наво кўтарилиши муносабати билан хўжаликларимизда кўп болали оилаларга, уруш ногиронларига ва шу каби кам даромадли оилаларга моддий ёрдам бериш у ёқда турсин, уларга ҳатто товон пули ҳам ўз вақтида берилмаяпти.

— **Хўш, ўрмон ходимларининг иқтисодий аҳволини яхшилаш учун нималар қилинади?**

— Шу йилнинг июнь ойида бизнинг ўрмон хўжаликларимиз маҳсулотлари Тошкентда бўлиб ўтган ишбилармонлар савдо кўргазмасида намойиш этилди. Натижада ҳозирги кунда Корея, Польша, Ҳиндистон ва АҚШнинг айрим фирмалари билан доривор ўсимликлар, ёнғоқли мевалар ва асал савдоси бўйича келишиб олинди. Бундан ташқари Иттифоқ жумҳуриятлари билан ҳам савдо алоқалари йўлга қўйилмоқда. Ҳозирги кунда Сахалин ва Новосибирск дори тайёрлаш ташкилотлари билан Бурчмулла, Паркент, Нукус ўрмон хўжаликлари ва Ибн Сино номли доривор ўсимликлар етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликлар ўртасида шартнома тузилди. Бу ишлар энди бошланяпти. Бундан буён ҳам чет эл фирмалари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ўрмончиларимиз иқтисодий аҳволини яхшилашда ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Бугун—Ўрмон хўжалиги ходимлари куни

ШИЖОАТ ВА УМИД

Футбол

Чарм тўп ўйинларида олдиндан башорат қилиб бўлмайди, дейишади. Мусобақа кўзгуси жадвалнинг ҳозирги ҳолати билан ўтган йилнинг шу давридаги натижалари билан солиштирсак, бу фикрнинг гувоҳи бўламиз.

Йигирма олтинчи тур ўйинларида саволлар ва жавоблар ғоят қизиқарли бўлди. Биринчиликнинг медалларига даъвогар жамоаларнинг ҳам, олий лигада қолиш учун интилаётганларнинг ҳам нималарга қодирлиги ойдинлашди.

Москва автозаводчилари билан Марказий армия спорт клуби, пойтахт спартакчилари билан динамочилари ўртасидаги беллашув қизиқарли бўлди. Карвонбоши — армиячилар ўз рақибларини 2:1 ҳисобида енгиб, очколарини 37 тага етказишди.

Жадвалнинг қуйи поғоналарида келаётган жамоалар учрашувларини меҳмонда ўтказишди. Тошкент пахтакорчилари эса ўз майдонларида Ереваннинг «Арарат» футболчиларини қабул қилишди. Олий лига мусобақаларида улар 41 бор куч синашганлар. Тошкентликлар 13 бор ғалабага эришишган, 11 ўйинни эса дуранг натижа билан якунлашган. 17 учрашув эса арманистонлик футболчилар фойдасига тугаган. Бу йилги мавсумнинг биринчи даврадаги ўйинда омад «Арарат» томонида бўлди. Мезбонлар 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар.

«Пахтакор» учун ўз майдонидаги қаторасига уч учрашув ҳақиқий синовдир. Мумкин қадар кўпроқ очколар олиб, муваффақиятга эришилса, олий лигада ўз ўрнини сақлаб қолиш имкониятлари пайдо бўлади.

Пахтакорчиларнинг устунлиги учрашув биринчи бўлимида яққол сезилиб турди. Ҳимояга эътибор билан бирга хужумга дадил интилиш, дарвозани нишонга олиш иштиёқи кўзга ташланди. Бу ўз самарасини берди. О. Синелобов ararатчилар дарвозабонини тўпни тўрдан олиб чиқишга мажбур этди.

Ўйингоҳга тўпланган муҳлислар иккинчи бўлимда дарвозаларга киритилган яна уч тўпнинг гувоҳи бўлишди. Аввалига пахтакорчилар сардори И. Шкварин ҳисобни 2:0 га етказди. Бу билан Игорнинг мавсум бошидан буён рақиблар дарвозасига киритган тўплар сони 13 тага етди. 2:0 ҳисоби тез орада 2:1 га ўзгарди. Аммо пахтакорчилар яна хужум уюштиришди. Ярим ҳимоячи Пятницкий ҳисобни 3:1 га ўзгартирди.

Пахтакорчилар икки очкони қўлга киритишди. Уларнинг тўплаган очколар миқдори 19 тага етиб, мусобақа жадвалида 14-ўринга кўтарилдилар.

Навбатдаги учрашувда тошкентликлар Донецкнинг «Шахтёр» жамоасини қабул қилишади. Бу ўйин 27 сентябрь куни бўлади. Шундан сўнг Европа қитъаси совринлари ва биринчилиги ўйинлари ўтказилади. Олий лига вакиллари 18 октябрда 28-тур ўйинларини бошлашади. Эртаси куни «Пахтакор» ўз майдонида Москва спартакчилари билан учрашадилар.

Ўзбекистон чарм тўп муҳлислари шу икки учрашувга катта умид боғлашмоқда. Араратчилар билан бўлган учрашувдагидек шижоат кўрсатилса, очколар миқдори кўпайиши шубҳасиз.

Ҳ. СУЛТОНОВ.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛЮВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-36-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12 Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» («ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5984.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Босишга топширилди — 24.00.

№ 181.

● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ●

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12